

10.10.2015

2015 22, 26, 1-52 2P

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN




MILLIY TIKLANISH

1 (322) 2015 йил 1 январь, пайшанба Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси
ЎзМТДП — www.mf.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКISTON ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Кадрли ватандошларим!
Мана шу файзли дамларда сиз, азиз юртдошларимга аввало ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этиб, қутлуғ қадамлари билан кириб келаётган Янги йил билан табриклаб, барчангизга чин қалбимдан сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик, бахт-саодат, хонадонларингизга хотир-ҳамлик ва фаровонлик тилашни ўзим учун катта бахт деб биламан.



Айни шу дақиқаларда яқини бораётган йилни кузатар эканмиз, йил давомида босиб ўтган йўлимизни ва рўй берган воқеаларни, қўлга киритган марра ва ютуқларни шукроналик билан кўз ўнгимиздан ўтказар эканмиз, 2014 йил биз учун самарали ва хосиятли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор, деб ўйлайман.

Бунинг исботини аввало биз кўзлаган буюк мақсад бўлиши — дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига кириш, бунинг учун олиб бораётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш мақсадида амалга ошираётган улкан ишларимизда кўришимиз мумкин.

Айниқса, иқтисодиётимизни барқарор суръатлар билан юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишда, ҳеч шубҳасиз, ўтаётган йил ҳаётимизда чуқур из қолдириши мўқаррар.

Бунинг тасдиғини юртимизда рўй бераётган оламшумул ўзгариш ва янгиланишларда, шаҳар ва қишлоқларимизнинг қиёфаси янада чирой очаётганида, қад ростлаётган, энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхоналарда, деҳқон ва фермерларимизнинг мардона меҳнати эвазига далаларимизнинг унумдорлиги ва ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошиб, халқимизнинг ҳаёт даражаси юксалиб бораётганида, Ўзбекистонимизнинг дунёдаги обрў-эътибори тобора ортиб, унинг халқаро майдонда муносиб ўрин олаётганида кўриб-кузатиб, шу юрда яшаётган ҳар қайси инсоннинг кўнгли ҳақиқатан ҳам гурур ва ифтихорга тўлади.

Айтиш керак — ўтган даврда биз эришган айрим кўрсаткичларни тасаввур қилишнинг ўзи қийин. Жаҳон миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарама-қарши, Ўзбекистонимизнинг санокли давлатлар қаторида охириги 10 йил давомидаги иқтисодий ўсиши, яъни, содда қилиб айтганда, фаровонлигимизнинг юксалиши суръатлари узлуксиз равишда 8 фоиздан кам бўлмасдан келмоқда ва 2015 йилда ҳам бу кўрсаткичдан кам бўлмайдми, иншооллох.

Азиз юртдошларим!
Ўзбекистоннинг бугунги кунда тараққиёт йўлида барқарор суръатлар билан қадам кўяётганида, обод ва фаровон ҳаёт кураётганида бу саховатли заминда яшаётган ҳар қайси инсоннинг, унинг миллати, дини, эътиқодидан қатъи назар, муносиб ҳиссаси борлигини, бутун халқимизнинг машаққатли меҳнати, мардлиги ва матонати, бағрикенглиги, бир оила бўлиб яшаётгани, қисқача айтганда, юртимизда ҳўкм сураётган тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибатлик туйғуси нақадар катта бойлик эканини барчамиз миннатдорлик билан қайд этамиз.

Бунга иқрор бўлиш учун аввало ҳозирги кунда дунёда содир бўлаётган воқеаларни, яқин ва узоқ атрофимизда хавф-хатарлар, сиёсий ва иқтисодий қарама-қаршилиқлар авжига чиқиб, терроризм ва экстремизм ҳаракатларини, қон тўкилишларни кўриб-кузатиб турганимиз ҳеч кимни тинч ва бепарво қолдирмайди, албатта.

Минг афсуски, бундай кескинлашувлар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, дунё бозорларидаги ноаниқ вазият ва танглик давом этишининг қутилиши — бундай таҳликали аҳвол барчамиздан хушёрлик, сезgirлик ва сафарбарлигимизни оширишни, содда қилиб айтганда — бўш келмаслигимизни талаб қилади.

Бир муҳим масалани эсимиздан, хаёлимиздан асло чиқармаслигимиз керак. Ҳаёт ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди. Айниқса, биз XXI асрда, глобаллашув, интеллектуал тараққиёт ва интернет замонида яшаётганимизни инобатга оладиган бўлсак, эришган марра ва ютуқлар билан чегараланмасдан, ҳаволаниш кайфиятига берилмасдан, аксинча, доим янгиликка интилишимиз, эртанги кунимизни, олдимизда турган муаммо ва

Кичик бизнес ва фермер хўжаликлари учун янги йилда ягона социал тўловлар ставкаси 25 фоиздан 15 фоизга туширилади. Шу тариқа 440 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ уларнинг ихтиёрида қолдирилади. 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб жисмоний шахсларнинг бир минимал ойлик ҳажмидаги маошдан солиқ олинмайди. Барча ишчиларга тегишли бўлган бу янгилик авваламбор бошқаларга нисбатан ойлиги энг кам бўлган фуқароларга кўпроқ наф беришини алоҳида қайд этиш лозим.

Айни шу тadbирлар ҳисобидан меҳнаткашларимиз камида 120 миллиард сўм наф кўради. Янги йилда бериладиган бундай имтиёزلарнинг рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Инфляция даражаси, яъни нарх-навонинг ўсиши тахминан 5,5-6,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Келгуси йилда одамларимизнинг турар-жой шароитларини яхшилаш, янада обод этиш, коммунал-маиший хизмат сифатини тубдан оширишга алоҳида эътибор берилди.

2015 йилда қишлоқ жойларда яшаётган 12 мингта оила шаҳар шароитидан қолишмайдиган, намунавий лойиҳалар асосида қурилган янги уй-жойларга кўчиб кириши мўлжалланмоқда.

Кадрли дўстларим!
Кириб келаётган янги йилга мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили деб ном берганимиздан халқимиз албатта яхши хабардордир.

Бунинг замирида ҳаммамизни оқ юйиб, оқ тараган, муқаддас юртимизнинг ташвиш ва муаммоларини ўз елкасида кўтариб келаётган, хонадонларимизнинг файзи ва кўрки бўлган кекса авлод вакилларини ҳаётдан рози қилиш, уларнинг дуосини олишдек савобли ва олижаноб мақсадлар мужассас эканини, ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз.

Биз меҳрибон ота-оналаримиз, муҳтарам кексаларимиз олдидаги ана шу қарзимизни янада теран англаган ҳолда, уларга ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатишдек олижаноб мақсадлар билан 2015 йилга қадам кўяр эканмиз, биз учун миллий ўзligимиз тимсолига айланган кетган каттага — ҳурмат, кичикка — иззат, меҳроқибат, шафқат ва мурувват каби эзгу фазилатларни янада мустаҳкамлаб, уларни жондан азиз фарзандларимизнинг онгу шуурига синдиришда кириб келаётган йил муҳим, юксак бир босқич бўлишига ишонаман.

Айни шундай ноёб фазилатларга эга бўлаётганимиз яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда яққол намоён бўлганининг гувоҳи бўлдик.

Буларнинг барчаси одамларимизнинг, аввало, ҳал қилувчи кучга айланаётган ёш авлодимизнинг онгу тафаккури, дунёқарashi, сиёсий ва фуқаролик савияси, ҳўқуқий маданияти юксалиб ва энг муҳими — эртанги кунимизни биз ўзимиз, она юртимиз учун қўрапмиз, деб дадил майдонга чиқаётганининг намоийши, десам, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мен яқинда, Конституцияимиз байрамига бағишланган тантанали мажлисда кимки асл демократияни кўрмоқчи бўлса, Ўзбекистонимизга келсин, деб айтганим бежиз эмас.

Ҳақиқатан ҳам, бундай халқ олдида бош эгиб, ҳар қанча таъзим қилсак эъзийди, албатта, азизларим.

Кадрли ва муҳтарам ватандошларим!
Янги йил кириб келишига санокли дақиқалар қолган мана шу ҳаяжонли дамларда барчамиз Яратганимиздан эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқишини, хонадонларимизнинг қут-барақаси, файзини беришини чин қалбимиздан сўраймиз.

Кириб келаётган янги йилимиз юртимизга, барча-барча оилаларга бахту саодат ва омад келтирсин!

Ҳар биримизнинг пок ният ва тилакларимиз ижобат бўлсин!
Ватанимиз тинч, халқимиз омон, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI B'YIYCHA SAYLOV KAMPANIYASI BO'SHLANDI

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 26 декабрь куни бўлиб ўтган мажлисида шу ҳақда эълон қилинди. Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси, "Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 2-моддаси ва Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунининг 8-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунини 2015 йил 29 март куни деб белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2014 йилнинг 26 декабрдан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошлангани эълон қилди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тadbирлар дастури ҳам тасдиқланди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ барча тadbирлар Марказий сайлов комиссияси, ташкил этиладиган сайлов комиссиялари томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, сайлов тўғрисидаги қонунларга қатъий мувофиқ равишда очик ва ошкора амалга оширилиши таъкидланди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Ушбу марказ Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 16-уйда жойлашган.

Шу кун Республика матбуот марказида мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОИ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI SAYLOVI B'YIYCHA SAYLOV KAMPANIYASI BO'SHLANISHINI E'ZLON KILISH T'UG'RISIDA

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига ҳамда "Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 2-моддасига ва "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- 2015 йил 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунини деб белгилансин.
- Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси 2014 йилнинг 26 декабрдан бошланиши эълон қилинсин.
- Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тadbирларнинг тартиби, босқичлари ва муддатлари ҳақидаги ахборотни сайловчилар, сиёсий партияларга белгиланган тартибда "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси" ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан етказиш таъминлансин.
- Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси М.Абдусаломов

Тошкент шаҳри,
2014 йил 26 декабрь



Мустақиллик майдони бугун ҳар қачонгидан-да гавжум. Бу ерда барпо этилган мўъжаз шаҳарча кишини эртақлар диёрига чорлаётгандек туюлади. Майдонда қад ростлаган улкан арча, Қорбобо ва Қорқиз, турли эртақ қахрамонлари, театрлаштирилган томошалар, айниқса, болажонларга олам-олам завқ-шавқ улашмоқда

5 МАЪНАВИЯТ



Мутахассисларнинг фикрича, симсиз технологияларнинг яратилиши инсоният ҳаётини ўзгартириб юборди. Зеро, янги мобил алоқа, симсиз технологиялар тўғрисида ахборот ва маълумотлар доимий ҳамроҳимизга айланди. Мудофаа технологияси, биотехнологиялар, компьютер, лазер, глобал молиявий тизимлар, оптик тола, биометрика, электр ва сувўтказгич технологиялар, спам ва компьютер вирусига қарши курашувчи технологияларнинг яратилиши шулар жумласидан

7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатларини рўйхатга олиш тўғрисида

2014 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорги Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтди.

нафар сайловчи ёки рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 88,94 фоизи қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига 2014 йил 21 декабрда ўтказилган сайлов натижалари ҳақида округ сайлов комиссияларининг баённомалари

ва Ўзбекистон экологик ҳаракати Конференцияси қарорига асосан Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунининг 5-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонунининг 11,

44, 48, 49-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. 2014 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтган, деб ҳисоблансин.
2. Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов округларидан сайланган 113 нафар ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган 15 нафар депутатлар 1 ва 2-иловага мувофиқ рўйхатга олинсин.

3. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри, 2014 йил 25 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ЎзМТДПдан сайланган депутатлари рўйхати

№	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган йили	Эгаллаб турган лавозими	Доимий яшаш жойи
4-Амударё сайлов округи				
1	Абдужамил Жолдасбай Зинатдинович	1984	"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси	Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри
131-Астробод сайлов округи				
2	Абдуллаев Илхом Заирович	1965	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани
126-Темирйўлчилар сайлов округи				
3	Азамат Зиё Ҳамид ўғли	1963	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани
110-Хива сайлов округи				
4	Атодждонов Джумонзор Азодович	1976	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Учтепа тумани
50-Регистон сайлов округи				
5	Ғафурова Марҳабба Низамидиновна	1971	Самарқанд шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри
20-Чинобод сайлов округи				
6	Жалилов Авазбек Абдуҷаминович	1964	"Уз-Тонг Хонг Ко" ёпиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонаси Бош директори	Андижон вилояти, Булоқбоши тумани
112-Қарши сайлов округи				
7	Жалилова Дилфуза Каримовна	1967	Қарши давлат университети қошидаги 1-сон Академик лицейи директори	Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри
22-Когон сайлов округи				
8	Ибрагимов Фирюза Баходирхоновна	1970	Бухоро давлат тиббиёт институти "Биоорганик, биоорганик ва биологик химия" кафедраси катта ўқитувчиси	Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри
33-Пахтакор сайлов округи				
9	Қадилов Алишер Келдиевич	1975	Жиззах вилояти Ташкилотчи алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи	Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри
121-Яккабоғ сайлов округи				
10	Мухаммадиев Улуғбек Насриддинович	1971	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари - Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг аъзоси	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани
43-Поп сайлов округи				
11	Мухторов Нодиржон Илхомжонович	1982	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани
8-Ақманғит сайлов округи				
12	Ниязова Жамиля Абдуқадировна	1958	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани
57-Оқдарё сайлов округи				
13	Номозов Сиддик Каҳхорович	1972	Давлат тижорат "Халқ банки"нинг Ички аудит департаменти директори	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри
108-Ҳазорасп сайлов округи				
14	Отамуратов Сарвар Садуллаевич	1973	Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раисининг ўринбосари	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани

56-Нарпай сайлов округи				
15	Пардаев Азамат Кенжабоевич	1973	Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг Самарқанд вилояти ҳудудий бўлини маси раҳбари	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри
99-Фарғона сайлов округи				
16	Рахимов Шерзод Абдухалилович	1984	"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти Кенгаши раиси	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри
26-Пайкент сайлов округи				
17	Сабилов Назир Нажметдинович	1973	Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи	Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри
117-Касби сайлов округи				
18	Саидов Акмал Холматович	1958	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани
85-Чиноз сайлов округи				
19	Таджиев Одилжон Патиҳджонович	1984	"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилояти Кенгаши раиси	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани
86-Чирчиқ сайлов округи				
20	Туляков Элдор Собиржонович	1986	Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги тадқиқот марказининг бош консультанти	Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани
17-Қўрғонтепа сайлов округи				
21	Тўхтабаев Абдурашид Турсунович	1953	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Миробод тумани
41-Тошбулоқ сайлов округи				
22	Тўхтабаев Шухрат Абдулмаҳмудович	1979	Наманган вилояти Адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари	Наманган вилояти, Наманган шаҳри
54-Каттақўрғон сайлов округи				
23	Тўхташев Шерзод Азимович	1979	Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани прокурори	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри
104-Қувасой сайлов округи				
24	Убайдуллаев Мирзохид Муродиллович	1976	Фарғона вилояти ҳокимлиги Молия бошқармаси бошлиғи	Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри
107-Гурлан сайлов округи				
25	Ҳажиев Иноят Садуллаевич	1974	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи	Хоразм вилояти, Урганч тумани
114-Қамаши сайлов округи				
26	Ҳайтов Урал	1956	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати	Тошкент шаҳри, Миробод тумани
61-Тайлоқ сайлов округи				
27	Ҳамраев Алишер Шоназарович	1968	Қашқадарё вилоят ҳўжалик суди раисининг ўринбосари	Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳри
25-Варахшо сайлов округи				
28	Ширинов Джаҳонгир Джабборович	1982	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Жамоат, нодавлат нотижорат ва диний ташкилотлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари - бўлим бошлиғи	Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани

Сайловдан сўнг

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига бўлиб ўтган сайлов уюшқоқлик ва кўтаринки руҳда ўтди. Айниқса, сайлов жараёнида фуқароларнинг фаоллиги, сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалгани яққол намоён бўлди. Сайлов участкасига келган ҳар бир юртодошимиз сайловнинг нақадар муҳим жараён эканлигини, берилган овоз келажакимиз, Ватанимиз эртаси учун аҳамиятлилигини чуқур англаган ҳолда муносибларга овоз беришга ҳаракат қилишди.



Ойгул ҚУРБОНОВА, Олтинқўл туман "Матбуот тарқатувчи" бўлими ходими:

— Мамлакатимизда бўлиб ўтган сайловда илк мартаба иштирок этдим. Очиғи, юртимиз тақдирига дахлдор бўлган ушбу муҳим жараёнда қатнашиш, муносиб номзод учун овоз бериш жуда масъулиятли экан. Эрта тонгдан сайлов участкаси томон борар эканман, ана шу масъулият ҳисси қалбимда кечаётган ҳаяжонни янада кучайтирди. Маълумки, юртимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиёди навқирон авлод вакиллари. Уларнинг 2 миллиондан ортиғи мазкур жараёнда илк бор қатнашишди. Ҳар бир тенгдошим ҳудди мен каби чекиз ҳаяжон, қолаверса, фахр билан сайловда овоз бергани шубҳасиз. Бу сайлов участкамига овоз бериш учун келган ёшларнинг юз-кўзида яққол кўриниб турарди. Дарҳақиқат, бу бежиз эмас. Чунки бугунги ёшлар ҳар

Мамлакат истиқболи йўлида

сайловдаги илк иштирок: ҳаяжон, фаоллик ва масъулият


томонлама баркамол, сиёсий-ҳуқуқий билимлари бой, дунёқараши кенг, ҳар бир овозимиз келажакимизга дахлдорлигини тўла англаб етган авлоддир.



Мафтун САНОВА, Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси:

— Яқинда мамлакатимизда бўлиб ўтган муҳим сиёсий жараён — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайловда биринчи марта иштирок этдим. Худудимиздаги 234-сайлов участкасидан сайловчилар рўйхатига киритилдим. Участкамиздан кўрсатилган барча номзодларнинг сайловчилар билан учрашувида иштирок этиб, уларнинг сайловдаги дасту-

ри ҳамда партияларнинг Платформалари билан батафсил танишиб чиқдим. Шунинг алоҳида таъкидлашим кераки, ҳар қандай сайлов натижалари мамлакат истиқболини белгилайди. Шу боис сайлов кунини ўзим муносиб деб билган номзод учун овоз бердим.



Азимбой КАРИМОВ, 19 ёш, Хоразм вилояти:

— Бу йил сайловда илк бор иштирок этиб, ўзимнинг конституциявий ҳуқуқимдан фойдаландим. Биз ушбу ҳуқуқимиздан самарали фойдаланиш эвазига мамлакатимиз тараққиёти учун фидойилик кўрсатадиган номзодларнинг сайланишида ўз ҳиссамизни қўшдик. Сайловга ча бўлган жараёнда ташкил этилган се-

минар ва давра суҳбатларида иштирок этиб, мамлакатимиз сайлов қонунчилиги билан янада кенгрок танишиб, сиёсий-ҳуқуқий билимларимизни мустаҳкамладик. Энг муҳими, сайлов қонунчилигига киритилган сўнгги ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлдик. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз сайлов қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар сайловнинг юқори савияда ташкил этилиши ва демократик талаблар асосида ўтишида муҳим омил бўлди.



Лайло ЖУМАЕВА, 18 ёш, Навоий вилояти:

— Ижтимоий-сиёсий жараёнларга қизиққаным боис 2014 йилги сайловга

катта ҳурсандчилик билан тайёргарлик кўрдим. Сиёсий-ҳуқуқий билимларимни янада мустаҳкамлашга ҳаракат қилдим. Бу борада худудимиздаги 18-сайлов участкасида яратилган шарт-шароит, ҳуқуқий адабиёт ва қўлланмалардан унумли фойдаландим. Шу билан бирга мамлакатимиздаги тўртта партиянинг сайловдаги Платформаси ҳамда худудимиздан номзод қўйилган вакилларнинг дастури билан тўлиқ танишиб чиқдим. Ўйлайманки, ушбу сайловда илк бор иштирок этган ёшлар ўз конституциявий ҳуқуқларидан фойдаланиб, мамлакатимиз тараққиёт йўли ва ўз ҳаётий позициясига муштарак сайловда Платформасини илгари сурган муносиб номзодларга овоз берди. Ўзим "Миллий тикланиш" демократик партияси номзодларига овоз бердим. Бу партиядан депутат этиб сайланган вакиллар келгусида жамиятда "Юксак маънавият — енгилмас куч" эзгу ғоясини, миллий ўзига хослигимизни тарғиб этишга, айниқса, биз ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшишлари шубҳасиз.

"Milliy tiklanish" мухбири
М. АРАМА КОМИЛОВА
тайёрлади

Партия ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича айрим сайлов округларида такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида

2014 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғорчи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш ҳақидаги баённомаларини кўриб чиқиб, 22

та сайлов округи бўйича депутатликка номзодлардан биронтаси ҳам сайланиш учун зарур бўлган овозларни тўғрай олмаганини аниқлади. Округ сайлов комиссияларининг тегишли қарорларини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 45-моддасига, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонуни 5-моддасига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:
1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 22 та округ сайлов комиссияларини томонидан такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган маълумот учун қабул қилинсин. 22 та

сайлов округида такрорий овоз бериш 2015 йил 4 январь - январи кунини 1-иловага мувофиқ ўтказилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки: Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни 45-моддаси биринчи қислаги мувофиқ такрорий овоз бериш сайлов округи бўйича энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича ўтказилади; такрорий овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун ташкил этилган

сайлов участкаларида илгари тузилган сайловчиларнинг рўйхатлари асосида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуни талабларига мувофиқ ўтказилади.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича айрим сайлов округларида такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан тадбирлар дастури 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи тегишли округ ва участка сайлов комиссиялари такрорий овоз беришни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунлари талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказишни таъминласинлар.
5. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчи-

лик палатасига депутатлар сайлови бўйича такрорий овоз бериш учун бюллетенлар нашр этиш ва жойларга етказиб бериш билан боғлиқ ишлар Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 15 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловига доир сайлов бюллетени ва сайлов вақасига намуналарини тасдиқлаш тўғрисида»ги 638-сон қарориди белгиланган тартибда амалга оширилсин.
6. Мазкур қарор оммавий ахборот воситаларида эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М. АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2014 йил 25 декабрь

2015 йилнинг 4 январь куни бўлиб ўтадиган такрорий сайловда ЎзМТДПдан 15 нафар депутатликка номзод иштирок этади

ЎзМТДП номзодларига овоз беринг

№	Сайлов округи номи	Номзоднинг фамилияси, исми ва отасининг исми	Иш жойи ва лавозими
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ			
1	3-Элликқалъа сайлов округи	Бекатова Зумрад Раҳимбаевна	Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги даволаш ишлари ташкил қилиш бўлими бош мутахассиси
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ			
2	10-Олтинқўл сайлов округи	Жумабаев Акмалжон Адилевич	"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Андижон вилояти Кенгаши раиси
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ			
3	30-Дўстлик сайлов округи	Илясова Шаҳида Уталовна	Жиззах вилояти Мирзачўл туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактаби директори
НАВОИЙ ВИЛОЯТИ			
4	34-Навоий сайлов округи	Тожиёв Қозим Ҳасанович	"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий вилояти Кенгаши раиси
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ			
5	45-Уйчи сайлов округи	Раҳманов Акмал Эргашевич	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутати
СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ			
6	67-Оқолтин сайлов округи	Кулматов Шерзод Дустмуратович	Сирдарё вилояти Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ			
7	71-Жарқўрғон сайлов округи	Сувонов Шаҳриддин Абдимуратович	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи

8	73-Шўрчи сайлов округи	Чориев Иқромжон Буриевич	Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси "Ўзбекистон" телерадиоканали давлат унитар корхонаси директорининг биринчи ўринбосари вазифасини бажарувчи
9	74-Денов сайлов округи	Тудаева Мамлакат Суяровна	Денов туман Тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича муовини
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ			
10	78-Бекобод сайлов округи	Арипов Даврон Раҳимович	Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг судьяси
11	89-Дўстобод сайлов округи	Халходжаев Мухаммадшакир Турарович	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси марказий аппарати лойиҳалаштириш ташкилотлари фаолияти мониторинги бошқармаси бошлиғи
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ			
12	91-Данғара сайлов округи	Усмонов Иқболжон Бахтиёрвич	Фарғона вилояти Данғара тумани ҳокимлиги иқтисодиёт бўлими бошлиғи
13	95-Риштон сайлов округи	Умирзаков Акмалжон Ахаталиевич	Тошкент давлат юридик университети "Халқаро оммавий ҳуқуқ" кафедраси муdiri
14	98-Марғилон сайлов округи	Захидов Қобилжон Таирджанович	Тошкент ислом университети ўқув ва илмий ишлар бўйича проректори
ТОШКЕНТ ШАҲРИ			
15	124-Оқтепа сайлов округи	Хусанова Мухтабар Акбаровна	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими

Муносабат

Сайлов хулосалари

Эътибор ва ғамхўрлик

оилаларга қувонч бағишламоқда

Кунини кеча халқимиз янги йил байрамини кўтаринки кайфият, эзгу орзу ниятлар билан қарши олди. Бу байрам тинчлик-осойишталик, хотиржамлик, фаровонлик ҳукм сураётган юртимизда ҳар йили катта шодийналар билан нишонланади. Бугун юртимизнинг ҳар бир ҳудудида, ҳиббон ва майдонларда билан ва кўркем арчалар ўрнатилиб, уюштирилган тадбирлар болажонларга олам-олам қувонч бағишламоқда. Эртанги кунда қиёфа касб этган майдонлар юртдошларимиз, бахтиёр фарзандларимиз ўйин-кулгисиз завқу шавқидан янада файзли тусга кирган.

Айниқса, Президентимиз қарори билан аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2015 йилнинг 2 январь жума кунини дам олиш кунини, деб эълон қилинган барча юртдошларимизга ўзгача завқ, ўзгача қувонч улашди. Боиси, юртдошларимиз узлуксиз тўрт кун дам олиш, оиласида истиқомат қилаётган ота-оналари, қариндош ва яқинлари ҳолидан хабар олиш, байрамни биргалликда нишонлаш имконига эга бўлди. Бир сўз билан айтганда, байрамда эмин-эркин дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Президентимиз ташаббуси билан 2015 йил юртимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб номланди. Ёши улугларга ҳурмат-иззат кўрсатиш, уларни қадрлаш, эъзозлаш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий қадриятлардандир. Бобо-буваларнинг, катталарнинг кўнгилни кўтариш, бориб уларнинг ҳолидан хабар олиш, дуоларига мушарраф бўлиш юртдошларимизнинг доимий аъмолига айланган. Зеро, қариси бор унинг париси бор, дейишади. Шундай экан, нуруний отахон онахонларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий мақсадларида азалий қадрият ва аъналаримизни асраб-авайлаш, кексаларни эъзозлаш, уларнинг пурҳикмат насиҳатлари орқали ёш авлод вакиллари охир маънавият, маданият қилиб тарбиялашга кўмаклашиш сингари гоғлар илгари сурилган. Модомки шундай экан, ЎзМТДП ташкилотлари ва янги депутатлик корпуси вакиллари Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан ишлаб чиқилган Давлат дастурини жойларда амалга ошириш ҳамда партия мақсад-вазифаларини ижро этишда йил давомида фаол иштирок этишлари шўбҳасиз.

Рустам ҚОСИМОВ,
ЎзМТДП Марказий Кенгаши аъзоси

Сайлов очиқ, ошқора, транспарентлик руҳида ўтди

бу эса ЎзМТДПнинг муваффақиятини таъминлади

Парламент сайлови халқнинг хоҳиш-иродасини ифодаловчи энг муҳим сиёсий воқеа саналади. Чунки ана шу жараёнда мамлакат ривожини йўлида хизмат қилаётган барча даражадаги вакиллик органларига депутатлар сайланади. Кўрсатилган номзодлар орасидан миллиатнинг эртаси, юрт келажак учун қайгурадиган номзодга овоз бериш эртанги янада фаровон бўлишини таъминлайди. 21 декабрда бўлиб ўтган сайлов ҳар биримизни яна бир бор ана шундай хулосага келишимизга сабаб бўлди. Сайловчиларнинг сиёсий жараёнда фаол иштирок этгани уларнинг ватан тақдирига бефарқ эмаслигини яққол намойиш этди. Бунинг сайлов жараёнда иштирок этган халқаро кузатувчилар ҳам очиқ-ойдин эътироф этишмоқда.

Сайлов жараёнларини эътибордан ортиқ давлат, шунингдек, бешта халқаро ташкилот — Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси ва Ислам ҳамкорлик ташкилотидан келган 300 дан зиёд кузатувчи, депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг 70 мингдан ортиқ кузатувчи ва ваколатли вакили кузатиб борди. Сайловни мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 340 нафардан зиёд вакили тўғридан-тўғри ёритиш имконига эга бўлди. Уларнинг фаолиятига кўмаклашиш мақсадида сайловни ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ташкил этилиб, барча шарт-шароитлар яратиб берилди. Журналистлар учун матбуот анжуманлари, брифинг ва семинарлар ўтказилди.

— Самарқанд шаҳридаги 63 ва 129-сайлов участкаларида бўлди, — дейди Корея Республикаси Миллий сайлов комиссияси бошқаруви бўйича департамент бош директори Ли Жай Хоа. — Таъкидлаш жоизки, ҳали барвақт бўлишига қарамайдан сайлов участкалари овоз берувчилар билан гавжум бўлди. Ўзбекистонликлар сайлов каби муҳим сиёсий воқеани моҳиятини аниқлаш ҳолда, сиёсий жараёнда фаол иштирок этишди. Сайлов участкалари қонунчиликнинг барча талабларига мувофиқ, сайловчиларни қабул қилишга тўла-тўқис тайёрлаб қўйилганига гувоҳ бўлди. Шу боис сайлов тартиби ва ушқоқлик билан ўтди. Сайловни ташкил этиш даражаси борасида Ўзбекистон кўплаб ривожланган давлатлардан

ўзиб кетган, дейиш мумкин. Дарҳақиқат, бўлиб ўтган сайловда 18 миллион 400 мингдан ортиқ сайловчиларнинг иштирок этгани ва бу рўйхатга киритилган сайловчилар умумий сонининг қарийб 90 фоизини ташкил этиши халқимизнинг сиёсий маданияти тобора юксалиб бораётганидан далolat беради. Таъкидлаш жоиз, 8311 нафар ҳамюртимиз қонунда белгиланган тартибда мuddатидан олдин овоз бериш имкониятидан фойдаланди.

— Участка сайлов комиссияси аъзолари аҳоли, айниқса, сайловда биринчи марта иштирок этадиган ёшлар ўртасида кенг қўламли тушунириш ишлари олиб боргани туфайли ёшлар ҳам сайловда муносиб иштирок этишди, — дейди Латвия Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Карлис Камрад-зис. — Сайлов жараёни юқори даражада кенглиши менда илқ талассурот уйғотди. Чунки кўпгина мамлакатларнинг сайловларини кузатганман. Ҳатто, юз йиллар мобайнида демократия шакланган мамлакатларда ҳам фуқароларнинг сайловдаги фаолиги нисбатан пастлигини кузатиш мумкин. 21 декабрь кеча яқин овоз берган сайловчилар миқдори 80 фоиздан ошди. Бу жуда юқори кўрсаткич. Қолаверса, муқобиллик ва ошқораликнинг ёрқин ифодасидир.

Сайлов кунини барчага — кекса-юёшга ўз конституциявий ҳуқуқларидан кенг фойдаланишга имкониятлар яратиб берилди. Маълум сабабларга кўра, сайлов участкасига кела олмайдиган қария ва ногиронлар ўз уйларида овоз бериш имконига эга бўлдилар. Бунинг учун 45 ва 52, Хивадаги 352-сайлов участкаларида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган Лондондаги

Уолтэм-Форест тумани муниципалитети депутати Бернадетте Милл ҳам очиқ-ойдин эътироф этди.

— Кузатувчи сифатида сайловнинг ҳар бир жихатига алоҳида эътибор қаратдим, — дейди у. — Сайлов участкаларида оналар ва болаларга, саломатлиги яхши бўлмаган инсонларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилди. Сайлов участкаларига келолмайдиган сайловчилар учун уларнинг ўз уйларида овоз бериш таъминланди. Бу фуқароларга катта ғамхўрлик, уларнинг сайлов ҳуқуқларини амалга оширишга кўмаклашишнинг ёрқин намунасидир.

Германиянинг "Reise Travel" электрон наشري бош муҳаррири Геральд Уйбершер шундай дейди:

— Шунингдек, очиқ айтишим керакки, Ўзбекистон сайловга тайёргарлик кўриш даражаси бўйича Европанинг кўплаб мамлакатларидан илдрамлаб кетибди. Сайлов участкалари барча техника воситалари билан жиҳозланган. Уларда она ва бола, тиббиёт хоналарининг мавжудлиги менда катта таассурот қолдирди. Германияда ҳозирча бундай амалиёт йўқ. Сайлов участкаларидаги ҳамшираларнинг айтишича, улар биринчи ёрдам кўрсатиш учун зарур бўладиган барча воситалар билан таъминланган.

Хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқени ошириш, уларнинг вакиллик органларида фаолият олиб боришлари учун кенг имкониятлар яратиш масаласи ҳам давлатимизнинг доимий эътиборида. Шунинг учун ҳам қонунчиликда парламент кўйи палатасига кўрсатилаётган номзодларнинг 30 фоизи хотин-қизлардан иборат бўлиши кераклиги тўғрисида норма киритилган. Ана шу меъёр хотин-қизларнинг ижтимоий фаолигини оширишда, уларнинг сиёсий жараёнларда иштирокини янада кенгайтиришда. Нью-Йорк давлат университети профессори, "Глобал илмий нашрлар" маркази директори Парвиз Морвиж жорий сайловда айни шу жиҳатга эътибор қаратди.

— Ўзбекистонда сайлов халқаро талаб ва меъёрлар, демократик андозалар асосида ташкил этилди, — дейди у. — Сайлов нафақат демократик давлат қуриш йўлидаги ижобий ўзгаришларни, балки одамларнинг мамлакатда кечаётган жараёнларга нисбатан фаол муносабатини ҳам аниқ

намоён этди. Айниқса, ушбу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирда хотин-қизлар ҳам депутатликка номзод ҳам сайловчи сифатида жуда фаол қатнашгани эътиборини тортди. Бу юртимизда тобора ривожланиб, ижтимоий-иқтисодий ислохотларда фаол ўрин эгаллаётган маҳалла институтининг ижобий таъсиридир. Демократиянинг ўзига хос жиҳатларини камраб олган Ўзбекистон сайлов тақрибаси бошқа давлатларда ҳам фаол қўллansa арзийди.

Мамлакатимизда бўлиб ўтган сайлов бошқа халқаро кузатувчилар томонидан ҳам эътироф этилди. Кузатувчи-мутахассислар сайловолди ташвиқотининг юксак савияда ўтгани, барча партиялар учун оммавий ахборот воситаларида кенг ва тенг имкониятлар яратилгани, шунингдек, сиёсий партияларнинг ҳар бир овоз учун муносиб кураш олиб боришганини қайд этишди.

Барча сиёсий партиялар қатори Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам сайловда муносиб иштирок этди. Сайловолди ташвиқоти қизгин ва самарали ташкил этилди. Партия фаоллари ва номзодлар иштирокида ЎзМТДП сайловолди Платформаси ташвиқотига бағишланган мулоқотлар, теледебатлар уюштирилди. Марказий матбуот нашрларида бир ой давомида партия сайловолди Платформасининг асосий йўналишлари акс этган мақолалар узлуксиз чоп этилди. Умуман олганда, оммавий ахборот воситаларида 200 дан зиёд чиқишлар ташкил қилинди. Бундан ташқари, маҳаллий оммавий ахборот воситалари имкониятларидан ҳам самарали фойдаланилди. Барча даражадаги номзодлар томонидан сайловчилар билан 10 мингдан зиёд учрашувлар ташкил этилди.

Ана шу жараёнларда бошқа партиялар билан гоғлар ва дастурлар кураши қизгин кечди. Айниқса, давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Конституцияга қабул қилинганининг 22 йиллиги муносабати билан бўлиб ўтган тантанали маросимдаги маърузаси сайловолди ташвиқотига янги-чизм мазмун ва моҳият бағишлагани, сайлов жараёнларига халқимизнинг қизиқиши, айтиш жоиз бўлса талабидини янада оширганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Сайловнинг дастлабки натижа-

лари бўйича Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан, ЎзМТДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 28 нафар депутат сайланди. Бунда, аввало, партияни кўллаб-қувватлаган, унинг гоғлари ва номзодларига ишонч билдирган сайловчилар, электрорат вакиллари-нинг ўрни беқиёс. Фаолиятга танқидий-таҳлилий назар билан қараган ҳолда партия ишлари янада кучайтириш, барча даражадаги ташкилотлар ва депутатлар фаолиги ва ташаббускорлигини ошириш ЎзМТДП келгуси фаолиятининг бош мезонига айланади. Бу борадаги ишларнинг биринчи қадами эса 4 январь кунини 15 та сайлов округида ўтказиладиган такрорий овоз бериш жараёнида аёнлашади.

ЎзМТДП келгуси фаолиятида сайловчилар ишончини қозониш, сайловолди ваъдаларининг устидан чиқиш ва электрорат манфаатларини ҳимоя қилишга бел боғлаган. Бунда, аввало, партиянинг сайловолди Платформасида белгиланган миллий тикланиш ва ривожланишга кўмаклашадиган аънавий демократик институтларни кўллаб-қувватлаш, ёшларимизни "оммавий маданият" ва бошқа бузғунчи гоғлардан ҳимоя қилишга қаратилган аниқ лойиҳаларни амалга ошириш лозим. Шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни кўллаб-қувватлаш, туризмни ривожлантириш, сайёҳликнинг янги йўналишларини кўпайтириш, маҳалланинг маънавий, ташкилий ва иқтисодий асосларини янада ривожлантириш, болаларни спортга кенг жалб қилиш, қадрият ва аъналаримиз ифодаси бўлган миллий хунармандчиликни янада ривожлантириш каби қатор вазифаларни амалга ошириш партиянинг асосий вазифаси бўлади. Янги сайланган депутатлар корпусининг қонун ижодкорлиги ва ташаббускорлиги, парламент назорати, депутат сўрови, жойларда эса сессиялар кун тартибига электрорат манфаатларидан келиб чиқиб масалаларни қарорлар қабул қилиш, назорат тадбирларини амалга оширишда фаол иштирок этиши сайловолди ваъдалар ижобатига хизмат қилиши шўбҳасиз.

Шоҳида ДАМАНОВА,
Ҳасан САЛОМОВ,
"Milliy tiklanish"
мухбирлари

Остонадаги ўйлар

Изланиш, имконият ва самара

юрт равнақи, электрот манфаатлари ҳимояси ЎзМТДП фаолиятининг бош мезони

Кулар, ойлар ўтади. Фасллар алмашади. Елек, бир-бирини қувиб йиллар ҳам ўтиб боради. Йил адоғига келиб эса ўтаётган йил хулосаларини қиламиз, янги мақсадлар, орзу-ниятларни дилимизга тугамиз. Бу йилда ушамасан орзулар, амалга ошмасан эзгу мақсадларимиз янги йилда, албатта, ижобат бўлишини дилдан истаймиз. Осмондан мўъжизадек тўқилаётган оппоқ қор парчаларига ҳамоҳанг бегубор орзу-ниятларимиз рўёбини айнан янги йилдан куттиш ҳам болаликдан сақланиб қолган энг эзгу оdatларимиздан. Балки шунданкир янги йил байрами барчамиз учун бирдай сеvimли, файзли айёмлардан.

Қутлуг қадамлар билан юртимизга кириб келётган янги йилнинг ҳар бир куни юртимиз учун зафарли марраларни, юртдошларимизга унутилмас, шуқули дамларни ҳаёда этиши, ҳаётимиз янгича маъно-мазмун билан бойиши, халқаро майдонда мамлакатимиз обрў-эътибори, нуфузи бундан-да юқори бўлишига ишончимиз комил. Юрт тинчлиги ва осойишталиги, фарзандлари келажаги, бахту-икбодидан кўнгли тўқ халқимиз кайфияти, юзу кўзларидан шундай маънони англаш қўйин эмас.

— Янги йил арафасида ҳар биримиз ортда қолаётган йўлимиз, амалга оширишга улгурган ва улгурмаган ишларимизни ҳолисона сарҳисоб қилиб, янги мақсадларни режалаштирамиз. Якунига етган йил мамлакатимиз ҳаётида унутилмас эң қолдирди. Бугун юртимиз жаҳон ҳамжамияти томонидан жадал тарсқий эътаётган, иқтисодийета даражаси ўсиш суръатларига эришган, энг асосийси, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароити тубдан яхшиланган, ҳаёт даражаси изчил юксалаётган мамлакат сифатида эътироф этилмоқда. Бу яқиндагина бўлиб ўтган муҳим сиёсий жараён — Парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайлов жараёнида ҳам яққол намоён бўлди. Халқро кузатувчилар, чет эл оммавий ахборот воси-

талари вакиллари ҳам ана шундай хулосани билдиришмоқда. Алоҳида эътироф этиш жоизки, Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган ва бугун ўзининг ишончили, самарали йўл эканини исботлаган ривожланишнинг "Ўзбек модели" тамойиллари ҳамда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг устувор йўналишлари изчил амалга оширилаётгани 2014 йилда ҳар соҳада эришган ютуқларимизнинг пойдевори ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг гарови бўлиб хизмат қилди. Эришилаётган бундай натижаларни парламент ҳаётида, жумладан, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси фаолияти мисо-

лида ҳам кузатиш мумкин. Фракциямиз йил давомида асосий эътиборни ЎзМТДП дастурий гоёлари, мақсад-вазифалари, сайловолди Платформасида белгиланган устувор йўналишлар — миллий ҳунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорликни янада ривожлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш, миллий бозорни тараққий эттириш, ёш авлодни миллий кадрият, урф-одат ва аъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш, халқимизнинг бой тарихий меросини асраб-авайлашга қаратилган қонунчилик механизмларини янада мустаҳкамлашга қаратди. Фракциямиз томонидан амалга оширилган аниқ саясий ҳаракатлар, қонунчилик ташаб-

буслари, амалдаги қонунлар ижроси устидан назорат бора-сидаги фаолияти сайлов жараёнидаги ташвиқот ишларида, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларда, сайловчилар билан ўз-ўзига мулоқотларда бот-бот тақдорланди. Аммо, иш бор жойда камчилик ҳам бўлиши табиий. Партиямиз фракциясининг йил давомида амалга оширган ишларини бугунги давр талаби даражасида, деб бўлмади. Фаолиятимизни тубдан кучайтириш ва янги босқичга кўтариш лозимлиги сайловолди ташвиқотлари жараёнида сайловчилар билан бўлган учрашувларда ҳам аён бўлди. Партия дастурий мақсадлари, электрот манфаатларига ҳамоҳанг, юртимиз равнақига хизмат қилувчи қонунчилик ташаббуслари-



Абдурашид ТУХТАБОВ, ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

ни илгари суриш янгида шаклланидан фракциямиз аъзолари фаолиятининг бош мезонига айланиши шубҳасиз.



Комилжон ОТАХОНОВ, ЎзМТДП Андижон вилояти Кенгаши раиси:

— Одатда тарихга айланиб қолаётган ҳар бир йилга назар ташлар эканмиз, ютуқ ва эришилган натижаларни, қўлдан бой берилган имкониятларни

сарҳисоб қилишга уринамиз. Ўтган Соғлом бола йилида юртимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Йил давомида вилоятимизда замон талабларига мос хизмат кўрсатиш мажмуалари, намунали уй-жойлар, замонавий жиҳозланган ўқув муассасалари барпо этилди. Бундан ташқари, йўл қурилиши ишлари жадал суръатларда олиб борилди. Айниқса, ўтган йили Андижон шаҳрида замон талаблари асосида жиҳозланган, турли эртак қаҳрамонлари акс этган ўйингоҳлар, мини футбол, волейбол, баскетбол майдончалари, ёғми ва қишки сузиш ҳавзаларига эга мактабгача таълим муассасасининг барпо этилгани бола-жонларга муносиб совға бўлди. Мазкур жараёнларда ЎзМТДП

вилоят Кенгаши ҳам ўз дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фаол иштирок этишга интилди. Жумладан, ўтган йилда партиямизнинг иқтисодий соҳадаги вазифаларидан келиб чиқиб, бир қатор маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналари ходимлари иштирокида учрашув, тадбир, давра сўхбатлари ўтказилди. Бу тадбирлар партиямиз сайловолди дастурида илгари сурилган маҳаллий ишлаб чиқарувчилар фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилган. Йил мобайнида партия электротари бўлган ҳунарманд, оилавий тадбиркорларга имтиёзли кредит маблағлари ажратилишига кўмаклашилди. Хусусан, Андижон шаҳри, Шаҳрихон, Асака, Бўз ва бошқа туманларда фаолият кўрсатаётган 15 дан ортиқ ҳунармандга 70 миллион сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажра-

тилди. Партия вилоят Кенгаши ташаббуси билан бир борада семинар ва кўрсатмалар ўтказилди. Вилоят Кенгаши депутатлари, партия фаоллари ҳамжиҳатлигида маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги кенгаши тузилди. Иқтисодчилар, ҳуқуқшунослар, олимлар, таниқли ва таърибали тадбиркорлардан иборат бўлган жамоатчилик кенгаши томонидан маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарига бориб, таъриба олиши ишлари амалга оширилди. Янги йил бу каби партиявий ишларимизни янги босқичга кўтаришда янада самарали бўлишига умид қиламиз. Жорий йилда электрот манфаатларини ҳимоя қилишга, хотин-қизлар ва ёшлар фаоллигини оширишга қаратилган янги лойиҳаларни амалга ошириш-

ни мақсад қилганмиз. Шунингдек, партия вилоят Кенгаши маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қилаётган партиямиз аъзолари бўлган ходимлар ўртасида турли танловлар, янги лойиҳаларни амалга оширишни режалаштирган. Кексаларни эъзозлаш йилида партия вилоят Кенгаши "Нуроний" жамғармаси билан ҳамкорликни янада кучайтириш, хусусан, кўпни кўрган нуронийлар билан ёшларнинг учрашувларини мунтазам ташкил этишни мақсад қилган. Кексаларимизни қўллаб-қувватлашга қаратилган турли танловлар, лойиҳалар ўтказиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишмоқда. Уйлаймизки, ёши улуг инсонларга ғамхўрлик кўрсатиш масаласи янги сайланган барча даражадаги депутатларимизнинг доимий диққат-эътиборида бўлади.

— Кейинги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар туфайли юз бераётган ўзгариш ва янгиликлар Кашқадарь вилоятида ҳам бўй кўрсатаёттир. Чунки, вилоятнинг шаҳару қишлоқлари кўркам, обод ва муаззам қиёфа касб этмоқда. 2014 йилда вилоят маркази — Қарши шаҳри кўчалари, ички ва умумий фойдаланишдаги ҳамда транзит йўллар ён-атрофлари кўкаламзорлаштирилди. Сузиш ҳавзалари, истироҳат боғларида ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Шу кунларда ҳам шаҳарнинг янги маҳалласига борманг, янги ва замонавий иншоотлар барпо этилаётганига ғувоҳ бўласиз. Вилоятдаги кўҳна, тарихий мажмуалар, ёдгорликларни асраб-авайлаш ва уларни келажак авлодга етказиш борасида ҳам эътиборга молик ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, кейинги йилларда Қарши шаҳридаги "Кўкғумбаз", "Одина" жоме масжидлари, Абу Убайда ибн ал-Жаррох, Қарши туманидаги

Имом Мўъйин ан-Насафий, Касби туманидаги Султон Мирҳайдар, Шаҳрисабз туманидаги "Оқсарой", "Дорут-Тиловат" ва "Дорус-Саодат" мажмуаларида катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари якунига етказилди. Бу эса, ўз навбатида, Қашқадарьнинг туристик салоҳиятини янада ошириш имконини бераёттир. Эришилаётган улкан ютуқларда узқони қўзлаб олиб борилаётган ислохотлар, фуқароларнинг юрт тақдирига дахлдорлиги, ижтимоий-сиёсий фаоллиги ҳам бош омил бўлмоқда. Хусусан, 21 декабрь куни бўлиб ўтган сайлов мамлакатимизда том маънода, демократик жараёнлар босқичма-босқич ва изчил ривожланиб бораётгани, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва сиёсий маданияти ҳар жиҳатдан юксалгани, юрт келажаги дахлдорлик хусуси ошганини амалда намоён этди. Сайловчилар рўйхатидаги киритилган фуқароларнинг сайловда саксон тўққиз фоизининг иштирок этгани халқаро кузатувчиларнинг

ҳам эътирофига сазовор бўлди. Бугун мамлакатимизда эришилаётган улкан марра ва натижаларда хотин-қизларимизнинг ҳам муносиб улуши бор. Зеро, юртимизда хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ривожланиш масалаларини ҳал қилишга кенг жалб этиш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокчи кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сиёсий партиялар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатликка номзодлар кўрсатишда хотин-қизлар учун 30 фоизлик квота ажратилиши жамиятимизда хотин-қизларнинг маъқенини ошириш борасидаги муҳим қадамдир. Бугун ана шу имконият сабаб мен депутат бўлиш бахтига мушарраф бўлдим. Халқимиз томонидан билдирилган ишонч биз депутатлардан юртимиз равнақи, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, партиямиз электротари манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳалол меҳнат билан билдирилган юк-

сак ишончини тўла оқлаш масъулиятини юклайди. Маълумки, депутат халқ вакили сифатида эртанги кунни кўра олиши керак. Бироқ таҳлил, мушоҳадасиз узқони қўриб бўлмади, албатта. Шундай экан, партиямиз олдига қўйган дастурий мақсадларни амалга оширишда, аввало, электротартибимиз орзу-интилишларини, ютуқ ва муаммоларини ўрганишимиз, уларни ҳал этиш борасида ваколатимиздан унумли фойдаланишимиз лозим. Сайлов арафасида партиялар ўртасидаги бўлиб ўтган гоё ва дастурлар курашини эндиликда қўндалди фаолиятда ҳам давом эттириш, уни ҳаётга тўлақонли татбиқ этиш тақозо этилади. Кириб келган 2015 йил Президентимиз томонидан Кексаларни эъзозлаш йили деб номланди. Бу юртимизда истиклолнинг илк йиллариданоқ ёши улуг отахон ва онахонларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди. Кексаларни эъзозлаш, уларнинг ҳурматини жойига қўйиш, меҳр-муруват



Дилфуза ЖАЛИЛОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 112-Қарши сайлов округидан сайланган депутат:

кўрсатиш каби халқимизнинг азалий қадриятларини улуғлаш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг доимий эътиборида бўлиб келган. Зеро, нуроний отахону онахонларимиз бор экан, қадрият ва аъаналаримиз — бардавом, миллий урф-одат ва удувларимиз — барҳаёт.



Дониёр ТОШБОВ, ЎзМТДП Марказий Кенгаши Иқтисодий Кўмитаси девони бўлим бошлиғи:

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги кенг миқёсли ислохотлар ўтган 2014 йилда сифат

ҳиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Президентимиз ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, ҳокимиятнинг вакиллик органлари ҳамда сиёсий партияларнинг вазифа ва ваколатларини кенгайтиришга қаратилган йирик ислохотлар ўз самарасини кўрсатмоқда. Бу борадаги ислохотлар жараёнида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам муносиб иштирок этишга интилди. Партиямиз фаолиятига назар солар эканмиз, ўтган йиллар мобайнида ЎзМТДП сиёсий куч сифатида жамият ҳаётидан янада кенг ўрин эгаллагани, доимий электротари ва тарафдорлари шаклланигани алоҳида эътироф этиш жоиз. Йил давомида амалга оширган аниқ ва мақсадли лойиҳаларимиз юқоридаги фикримизга асос бўла олади. Электротартиб манфаатларини ҳимоя қилиш, хайри-

хоҳлар сафини кенгайтиришда энг таъсирчан восита — тадбирлар сифати, мазмуни ва самарадорлигига алоҳида эътибор қаратди. Ўтган йил хулосалари, сайловдаги муносиб иштирокимиз ва сайловчилар ишончини қозонишга қаратилган амалий ишларимиз партиямиз ҳамда электротартибимиз ҳаётида сезиларли из қолдирганини намоён қилмоқда. Партия сайловолди Платформаси ва Дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Боиси улуг бевосита жойларда партия ижтимоий қатламига мансуб аҳолини қандай масала ва муаммолар йўлантираётганини чуқур ҳисвомида амалга оширган аниқ ва мақсадли лойиҳаларимиз юқоридаги фикримизга асос бўла олади. Электротартиб манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий кадрият, урф-одат ва аъна-

налар ҳамда тарихий меросини асраб-авайлашга кўмаклашиш сингари устувор вазифаларимиз самарадорлиги халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг фаоллиги ва ташаббуслорлиги орқали ҳаётга татбиқ этилади. Шу боис ўтган йиллар давомида депутатлар томонидан маҳаллий Кенгашлар сессияларига партия мақсад-муддотларини рўёбга чиқариш, электротартиб манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган масалаларни киритиш ҳамда ижобий ҳал этилишига алоҳида эътибор қаратилди. Ортада қолган йилдаги фаолиятимиз, энг аввало, муҳим сиёсий синов — сайлов маънавиясини мувафақиятли ўтказишга қаратилди. Сайловолди ташвиқоти даврида партиямизнинг янги сайловолди Платфор-

масининг асосий йўналишлари, мазмун-моҳияти ва партиямиздан кўрсатилган барча даражадаги депутатликка номзодларимизнинг шахси, тайёргарлиги даражаси, билими, салоҳиятини сайловчиларга тўлалигича етказиш ва намоён қилишга ҳаракат қилдик. Номзодларимиз сайловолди ташвиқоти жараёнида ўз фаолиятларини амалдаги қонунлар талаблари асосида олиб бордилар. Сайловнинг дастлабки хулосаларига кўра, партиямиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 28 нафар депутат сайланди. Жорий йил 4 январь куни бўлиб ўтадиган тақоррий овоз бериш жараёнида бу натижани янада кўпайтириш учун курашамиз. Партиямиз ва унинг номзодлари учун овоз берган сайловчилар ишончини оқлаш эса янги йилдаги асосий вазифамиздир.

Шоҳида ДАМАНОВА, Шаҳзод ҒАФФОРОВ, "Milliy tiklanish" муҳбирлари

Муносабат

Инсонларвар, очик, эркин фуқаролик жамиятининг, ҳуқуқий демократик давлатимиз тараққиётининг кафолати айланган Ўзбекистон Конституцияси суверен давлатимиз энг муҳим белгиларидан бири ҳисобланади. Асосий Қомусимиз инсонларвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадларига қаратилгани билан катта аҳамиятга эга.

Кексаларни эъзозлаш

жамиятимиз маънавий негизининг асосий гоёларидан биридир

Конституциямизнинг эзгу гоёлари умумжамият, умумдавлатнинг асосий гоёларига айланиб, ўзининг ҳаётий ифодасини топиб бормоқда. Шу ўринда Конституциямизнинг XIV бобида қайд этилган "Воёга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар" деган бб-моддага эътибор қаратайлик. Бу модданинг дунёдаги ҳеч бир Конституцияда учрамамлигининг ўзиёк, халқимизда кексаларга нисбатан алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларни ардоқлаш муҳим эканлигини кўрсатади.

Истиклол йилларида мазкур қадриятларимиз янада равнақ топиб, давлатимизнинг устувор гоёларидан бирига айланди. 2015 йилга мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Кексаларни эъзозлаш йили, деб ном берилгани ҳам ана шундай инсонийлик ва эзгулик тамойилларига асосланган сиёсатнинг мантиқий давомидир.

Дарҳақиқат, ёши улуг, кўпни кўрган инсонларни эъзозлаш халқимиз маънавиятининг негизини ташкил этадиган асосий омиллардан бири сифатида барчанинг кўнглига яқин хусусиятлардан. Шу боис, Президентимизнинг ушбу тақлифи бугун халқимиз, кенг жамоатчилик томонидан жуда катта мамнуният билан қутиб олинди.

Маърузада Президентимиз томонидан айтилган Ватанимизнинг мусоффо осмонини асрашда, ҳар қандай офатларни остонамизга йўлатмаслик, оя юртимизни фашизм балосидан ҳимоя қилишда кекса авлод вакилларининг қандай жасорат кўрсатгани ҳақидаги фикрларда катта ҳаётий ҳақиқат муҳажасам. Бунинг ён-атрофимиздаги ёши улуг инсонларнинг турмуш ибрати орқали ҳам англаш мумкин. Уларнинг бугунги дорилар кунларга бўлган шукронаси, юртимиз ободлиги, халқимиз ҳаётининг фаровонлиги ҳақидаги гапларида катта маъно бор.

Айни пайтда юртимизда 225 миң нафар 80 ёшдан, 44 миң нафар 90 ёшдан, 8 миң 700 нафар 100 ёшдан ошган табарруқ қариялар яшаётганлиги, улар орасида 3 миң 109 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, салкам 70 миң фронт ортида меҳнат қилган инсонлар борлиги алоҳида эътироф этилди. Уларга ғамхўрлик қилиш, саломатликларини мустаҳкамлаш, зарур шарт-шароитларни яратиш ҳаммиша давлатимиз эътиборида. Жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайиб, самарали чора-тадбирлар амалга оширилади.

Кексалардаги катта ҳаётий таъриба, адолат билан иш кўриш, мушоҳадалилик, меҳрибонлик фазилатлари ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда ҳам муҳим ўрин тутди. Шунингдек, бу бетимсол матонат соҳибларининг ёшларимизни бир-бирига муруватли, оқибатли бўлишдек ҳаётий қадриятларимизга ҳамоҳанг яшаш, урф-одат ва аъаналарга садоқат руҳида тарбиялашда ҳиссаси беқиёс.

Кексаларимизни эъзозлаш, ҳурмат, уларга исзат-икром кўрсатиш халқимиз менталитетига хос тушунчалар саналади. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг дастурий гоёларида ҳам миллий, маданий ва маънавий қадриятларни, бой тарихий меросимиз, халқимизнинг урф-одат ва аъаналарини асраб-авайлаш, бойитиш сингари муҳим вазифалар ўз аксини топган. Ана шу мақсад-вазифалардан келиб чиққан ҳолда партиямизнинг барча даражадаги ташкилотлари тарғибот тадбирлари орқали кенг жамоатчиликка Кексаларни эъзозлаш йилининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тарғиб-ташвиқ этади. "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури ёки шу асосда жойлардаги маҳаллий дастурларнинг ишлаб чиқиши, самарали ижро этилишида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу билан биргаликда, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шерикликни фаол амалга оширади. Айниқса, бу борада барча даражадаги депутатларимиз, партиянинг етакчи ва фаолларидан кўпроқ масъулият, ташаббускорлик талаб қилинади. Партиямизнинг барча даражадаги ташкилотлари кенг жамоатчилик, айниқса, ёшлар иштирокида халқ орасида инсоний фазилатлари ва ахлоқий хусусиятлари билан ўзига хос обрў-эътибор қозонган таърибали инсонлар, олим узиёлилар билан учрашувлар ташкил этиб, ёшларимиз орасида уларнинг ибратли ҳаёт йўлини тарғиб-ташвиқ этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Зеро, партиямиз сайловолди Платформасида партия миллий ўзликини англаш, ватандошларимизда миллий ғурур ва кадр-қиммат туйғуларининг мустаҳкам қарор топиши масалаларига ҳаммиша катта эътибор қаратиши, "Биз киммиз? Аждодларимиз ким эди? Миллатимиз қандай фазилатларга таяниб, юксак марраларга эришди ва оламшумул шухрат қозонди?" деган масалаларга жавоб излаш партиянинг ҳаммиша диққат марказида бўлиши алоҳида белгилаб қўйилган.

Бир сўз билан айтганда, бундай юксак эътибор ва ғамхўрликка жавобан ёши улуг отахону-онахонлар ҳам мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Аҳоли ўртасида маънавий-маърифий ишлар олиб бориш, ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашда алоҳида ўрни бўлган дуоғуй кексаларимизни қадрлаш ва эъзозлаш, эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Арслон ЭШМУРОВОВ, ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари

Репортаж

Байрам сурури ва шукуҳи

кўнгилларга шод-хуррамлик улашмоқда

Айни кунларда юртимизда, ҳар бир хонадонда Янги йил шукуҳи ҳукмрон. Айниқса, пойтахтимизнинг Мустақиллик майдони бугун ҳар қачонгидан-да гавжум. Бу ерда барпо этилган мўъжиз шаҳарча кишини эрталар диёрига чорлаётгандек туюлади. Майдонда қад ростлаган улкан арча, Қорбобо ва Қорқиз, турли эрталар қахрамонлари, театрлаштирилган томошалар, айниқса, болақонларга олам-олам завқ-шақ улашмоқда.

Байрамни юксак савия, кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Ўзбекинав" эстрада, "Ўзбектеатр" ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва бошқа қатор ташкилотлар жалб этилган. Улар томонидан ташкил этилаётган турли маданий-маърифий тадбирлар, кўнгилочар томошалар нафақат юрдошларимиз, балки хориждан ташриф буюрган меҳмонлар, айниқса, кичкинтойларга байрамона кайфият улаштиради. Майдондаги асосий сахнада Ўзбек Миллий академик театри ижодий жамоаси томонидан саҳналаштирилган "Янги йил саргузаштлари", "Қорбобога мактуб ёхуд кутилмаган меҳмонлар" театрлаштирилган томошалари барчага бирдек манзур бўлмоқда. Майдонга ўрнатилган экранларда эса Соғлом бола йилида жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида амалга оширилган беқиёс ўзгаришлар, гўзал шаҳар ва кишлоқларимиз томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Дарҳақиқат, яқунланган йил тарих зарварларида нуносива из қолдирди. 2014 йил мамлакатимиз ҳаётида ҳам муҳим янгиланишлар йили бўлди, десак муболага бўлмайди. Мазкур йилда муҳташам иншоотлар, таълим ва шифо масканлари, маърифат-маънавият марказлари қад ростлади. Шаҳару кишлоқларимиз ўзгача чирой очиб, халқимиз турмуши фаровонлиги янада юксалди. Соғлом бола йилида баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг жисмоний ва маънавий жиҳатдан етуқ бўлиб улғайиши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш, тиббий хизмат, таълим сифатини ошириш борасида ислохотлар кўлами янада кенгайди.

— Бугун майдонда чопқиллаб юрган болақонлар, уларнинг бахтиёр ота-оналарини, уларнинг хуш кайфиятини кўриб, яна бир баракали йил ортда қолаятти, дейиш мумкин, — дейди Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Мамажонов. — 2014 йилда соғлиқни сақлаш тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди. Биргина Тошкент шаҳрида 633 мингдан зиёд фертил ёшдаги аёл, 445 мингдан ортиқ бола чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилиб, соғломлаштирилди. "Ҳеч қим меҳр ва эътибордан четда қолмасин", "Соғломлаштириш ҳафталиги" каби ақциялар давомида ҳам



аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган зарур чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу каби саъй-ҳаракатлар бутун мамлакатимиз бўйлаб, кенг қулоч ёйди. Янги йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили, деб номлангани ҳам мамлакатимизда олиб борилаётган эзгу ислохотларнинг узвий давомидир. Ушбу йилда мамлакатимизда ёши улғу отахон-онахонларимизнинг саломатлигини сақлаш, уларнинг ўз вақтида дам олишларини ташкиллаштириш мақсадида олиб борилаётган ишлар янада самарали тарзда амалга оширилди.

Кексаларга хурмат-эътибор кўрсатиш халқимизнинг қонқонига сингиб кетган азалий қадриятлардан. "Қариси бор унинг париси бор", "Қарияли уй — мактаб" каби мақол ва ҳикматли сўзлар ажодларимизнинг кўп йиллик турмуш тарзи натижасида юзага келган бўлиб, уларда кексаларимизнинг юксак ҳаётий тажрибаси, фазилатлари, донолиги, мушоҳадалилиги акс этган. Шу боисдан ёши улғуи бор хонадонларда вояга етган аксарият йигит-қизларимиз хулқининг гўзаллиги билан ажралаб туради. Демак, қарияларимизни хурмат-иззат қилиш, уларга хуш муомалада бўлиш, панд-насихатларига амал қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбари раҳна-

молигида ана шундай эзгу қадриятларимиз улуғланиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда. Кириб келаётган йилнинг Кексаларни эъзозлаш йили, дея атилиши эса келгуси йилда ҳам инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият сифатида мустаҳкамланишининг далолатидир.

— Тинчлик ҳукм сурган юртга байрамлар ярашади, — дейди Навоий вилоятининг Қизилтепа туманилик Шоди ота Кўзиев. — Бугун байрам сайтига набиралирим билан келганмиз. Бош майдонда бўлиб ўтаётган байрам томошаларидан завқланиб, Ўзбекистонимиздаги осуда ва фаровон ҳаётга яна бир бор шукроналар айтганимиз. Айниқса, давлатимиз томонидан биз кексаларга қаратаётган эътибордан бошимиз кўкка этмоқда. Бугунги байрамда ҳам қарияларга алоҳида иззат-иқром кўрсатилётгани қувончимизга қувонч қўшаётми.

Дарҳақиқат, ким билан суҳбатлашсангиз, Шоди ота каби юртимиз тинчлигига тўқинчиликдан сўз очади. Майдонда ташкил этилган аттракцион, савдо расталари, махсус ўйнар курилмалари болақонлар, ота-оналар билан гавжум.

— Янги йил болақонларимизнинг сеvimли байрамларидан, — дейди икки фарзанднинг онаси, тошкентлик Зари-

фа Аҳмедова. — Ҳар йили ушбу байрам арафасида болақонларимизни Мустақиллик майдонидеги байрам сайти, театр ва циркларда ташкиллаштирилган концерт дастурларига олиб борамиз. Бу томошалар уларнинг дунёқарашини ўстириб, яхши хулқ-атворнинг шаклланишида таъсири катта. Юртимизда болақонларнинг мазмуни дам олишлари учун барча шароитлар муҳайё. Янги йилни ўзгача кайфият, кўтаринкилик билан кутиб олмақдамиз. 2014 йил биз учун ҳам кутлуг келди. Оиламиз билан замонавий услубда қурилган намунавий турар-жойга кўчиб чиқдик, синглим ҳамда укам юртимизнинг нуфузли университетларига ўқишга кирди. Буларнинг барчаси Юртбошимиз томонидан ёшларга, оилаларга кўрсатилган улкан ғамхўрликнинг амалдаги ифодасидир.

Мустақиллик майдони айниқса, оқшом тушган маҳали янада ёрқинлашиб кетади. Майдонга туташ кўчалар ўндан зиёд бадий эффект берувчи махсус чироқли курилмалар билан безатилган. Турли рангларда товланиб турган эрталар қахрамонлари, ўрмон ҳайвонларининг тасвирлари кишини беҳתיёр бегубор болаликнинг хуш онарига чорлайди.

— Ўзим ёқтирган мультфильм ва эрталар қахрамонлари билан мазага қилиб, рақсга тушимди, қўшиқлар айтдим, — дейди Тошкент шаҳридаги 285-мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиси Шохрузбек Солижонов. — Ўртоқларим билан биргаликда майдондаги аттракционларда мириқиб ўйнадик. Кўрсатилган томошалар орасида айниқса, цирк усталарининг чиқишлари жуда қизиқарли бўлди.

Оқшом атрофга ажиб фусункорлик бағишлаб, майдон мунаввар нурлардан жилолана бошлади. Қорбобо ва Қорқиз барчани рақсга чорлаб, хуш кайфият улашмоқда. Майдондаги томошалар тобора авжга чиқиб, куйлар кўшиқча уланади. Дуога қўл очган кексалар юртимизнинг осмони ҳаммиса мусаффо, Ватанимиз янада обод бўлишини, кириб келаётган Янги йил ҳар бир хонадонга хайр-барака, эзгуликлар олиб келишини тилайди.

Айни пайтда пойтахтимизнинг бошқа майдонлари ҳамда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида байрам томошалари давом этмоқда.

Умида УЗОҚОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Фольклор

Яқинда Ангор туманида истиқомат қилувчи фольклор қўшиқларининг моҳир билимдони, бадаш мусиқаси тарбиётчиси, 83 ёшли нуруний онахон Адолат Қўниғиротова хонадониде бўлиб, миллий мусиқамизда мавжуд бадаш йўналиши борасида суҳбатлашдик.

Бадаш — қадим миллий мусиқа намунаси

у аждодлардан авлодларга мерос бўлиб келмоқда

Президентимиз раҳнамолигида халқимизнинг ибратли анъана ва қадриятларини кўз қорачиқидек асраб-авайлаш, уларнинг мазмун-моҳиятини ёшларга етказиш, навқирон авлоднинг бадиий диди ва тафаккурини тўғри шакллантириш масаласи маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислохотларда алоҳида ўрин тутаяди.

Сурхондарё вилояти азалаздан ўзининг бой тарихи, урф-одати, анъана ва қадриятлари билан бирга, мусиқа санъатида худудга хос кашфиётлари билан ажралаб туради. Тавқиллаш жозибаси, кейинги вақтларда қадимшunos олимлар томонидан олиб бориладиган илмий тадқиқотлар натижасида воҳа мусиқа санъати бой анъаналарга эга экани алоҳида эътироф этилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакики, воҳада халқ ижодиётининг ноёб намуналаридан бири ҳисобланган бадаш йўналишининг мавжудлиги, унинг илмий асослаб берилгани миллий мусиқа санъати бўстонида катта аниqliк бўлди. Илмий тадқиқотчи, Термиз ахборот технологиялари ва маънавий хизмат касбхўнар коллежининг тарих фани ўқитувчиси Икром Умаров кўна Сурхон заминидеги миллий мусиқамизнинг ўзига хос бадаш йўналиши қадимдан мавжудлигини асослаб берди. У кўп йиллик илмий изланишлари натижасида қадимда Шеробод туманидаги тоғли аҳоли орасида бадаш кенг тарқалгани, ҳозиргача одамлар томонидан севиб ижро этилишини таъкидлади.

Икром Умаровнинг айтишича, бадаш — оҳанг, куй, нола, нағма (наъма) сингари тўрт усулнинг биргаликда доира чалиш орқали ифодаланишидан ҳосил бўлади. Аниқроғи, бадаш 15-20 (ўндан ҳам кўп бўлиши мумкин) нафар аёл томонидан қиздирилган доиралар ёрдамида ижро этилади. Бадаш — халқнинг урф-одати, анъана, яшаш тарзи, шарт-шароити, одамларнинг турли феъл-атвори, хусусиятларининг ифодачиси ҳамдир. Бадаш асосан доира чалиб ижро этилсада, баъзан ангуштовна, қошиқ, сопол идишлардан чиққан ҳадолардан жўровоз сифатида ҳам фойдаланилади.

— Ўзбек миллий мусиқаси жуда бой тарихга эга. Асрлар давомида миллий мусиқамизнинг маком, лази, катта ашула,

бахшичилик сингари турлари ривож топиб келган. Уларнинг қаторига бадаш мусиқий йўналишининг қўшилгани катта воқеа бўлди, — дейди этнограф олим, тарих фанлари доктори, профессор, ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Кенгаши мафкуравий маърифий масалалар бўйича раис ўринбосари Сайфулла Турсунов. — Мазкур йўналиш, асосан, Кўхитанг тоғ ён-бағрида яшовчи аҳолига хос. Замонавий мусиқа асарлари кўпинча до, ре, ми, фа, сол, ля, си, до ноталарига ҳамоханлиқда ижро этилади. Кўхитанг бадашида бу вазифани "биж-дон-да, биж-дон-биж" сандолари бажаради, дейиш мумкин. Бошқача айтганда, қадим аждодларимиз Европада нота иختиро қилинишидан аввал доира ёрдамида ўз "нота"сига эга бадашни ижро этишган. Тадқиқотчи ва мусиқа мутахассислари бадаш куйини ҳозирги нотапарда тушириб қўришди. Аммо, бундан натижа чиқмади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, бадаш мустақил мусиқий асар сифатида ноёб тузилишга эга. Шу боис, бу ҳодисани анча чуқур ўрганиш лозим.

Адолат момо бадаш ижро этишини онаси Турсунотопадан, у киши эса момоларидан ўрганганини айтиб ўтди. Бир неча юз йиллардан буён авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ушбу санъат тури мустақиллик йилларида сайқал топиб янада жонланганини фахр билан айтиш мумкин.

— Бадашнинг турлари кўп. Бизгача етиб келганларидан ўнга яқинини биламан, — дейди Адолат момо. — Булар: "Катта бадаш", "Уйин бадаш", "Кўвв келди бадаш", "Араз бадаш", "Ер ҳайдаш бадаш", "Нон ёлди бадаш", "Пилла бадаш" ва ҳоказо. Ёшлигимдаги воқеалар кино лентасидагидек кўз олдимдан бирмабир ўтади. Туйлар, сайил ва турли йиғинларда момоларимиз, аёлларимиз кўр бўлиб ўтиришиб бадашни ижро этарди. У вақтларда санъаткорлар ҳам ўзимиз эдик. Негаки қизлар ёшлигидан бадаш ижро этишини билган. Шунинг учун, туйларда доирамизни ўзимиз билан олиб юрар эдик. 20 нафар (30-50 бўлиши мумкин) аёл ҳам бўлиб, кўлига доира олганча бадаш куйини чаларди.

Адолат момо бадаш куйини доирада чалиб берганида унинг кўлида юракни хунбулга келти-

рувчи оҳанг, нола, аллақандай сеҳрни, бир сўз билан айтганда, илоҳий ҳис-туйғунни ҳис қилдик.

Ушбу мусиқа оҳангига тушиш нақадар мураккаблигини сўзлардан ҳам англаш мумкин. Шу боис, бадаш айтиш ижрочидан анча билим, тажриба ва маҳорат талаб қилади. Яна бир жиҳати шуки, бадаш ижросида маълум қондалар ҳам мавжуд. Унга қўра, бадаш ижрочиси миллий либосда бўлиши керак. Бу жараёнда қўшиқчи аёлнинг нафақат овози, балки ташқи қиёфасига ҳам аҳамият берилади. Бир сўз билан айтганда, бадаш куйлаётган аёл либоси, зебу зийнатлар воситасида куй ритмига монанд хатти-ҳаракатлар қилиши даркор. Масалан, доира ўнг томонга қаратиб чалинганда ижрочининг юзи чап томонга бурилади. Бунда ижрочи аёлнинг ўнг қўлигадаги беш пояли сирғаси, ўнг чаккасидаги зулпаги, кўйлагининг парпар еңги томошабинга яққол кўриниб туриши керак. Чапга бурилганда ҳам худди шу ҳолат тақорланади. Доира юқорига кўтарилиб чалинганда эса аёлнинг либоси, бўйинидаги мунчоқлари ялт этиб кўзга ташланмоғи шарт. Буларнинг барчаси мусиқа уйғунлигида амалга оширилади. Бир маромда зарб билан урилган 15-20 та доирадан жуда жозибали ва жанрлардо садо-сар чикиб, узоқ-узоқларга эшитилиб туради. Айниқса, доира атрофидаги саноксиз нуқра ва мис халқчалар қафтлар зарбидан-да тинчроқ янграйди.

Чоғлар миллият руҳияти, маънавияти, санъати ва маданиятининг кўзгусидир. Дарҳақиқат, бадаш халқ мусиқаси бизнинг тарихимиз, ўтмишимиз, бебаҳо маънавий меросимизнинг бир парчасидир. Инсон ҳиссий кечинмаларини, фикрларини, тасаввур доираси мусиқий товушлар билан ифода этиладиган санъат тури ҳамма даврларда халқимиз ҳаётининг ажралмас бир қисми бўлиб келган. Аждодларимиз томонидан кашф этилган мусиқий асарлар халқимизнинг маънавий бойлиғи бўлиб қолаверади. Уни авайлаб-асраш, келажак авлодларга бус-бутун етказиш эса сизу бизнинг вазифамиз бўлмоғи зарур.

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА,
ЎзМТДП Ангор туман
Кенгаши раиси

2014 йил — Соғлом бола йили

Изчил ва манзилли ишлар самараси

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши томонидан "Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Т.Норбоева ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, меҳнат ҳуқуқи бўйича қўнунчиликни тақомиллаштириш ва қулай иш шартлоари яратишга қаратаётган доимий эътибор инсон ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади.

"Соғлом бола йили" Давлат дастури доирасида бу йўналишдаги ишлар кўлами янада ортиб кетди. Мазкур дастурда белгиланган устувор вазибаларни ҳаётга татбиқ этишда касаба уюшмалари ташкилотлари ҳам фаол иштирок этди. Хусусан, улар томонидан меҳнат қўнунчилиги соҳасидаги миллий ва халқаро тажрибаларни кенг тарғиб этиш, мамлакатимизда ратификация қилинган халқаро конвенциялар талабалари бажарилишини ўрганиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бир қатор туманлар, икки юздан зиёд корхона ва ташкилотнинг бу йўналишдаги фаолияти ўрганилди. Меҳнат жамоаларида хавфсиз иш шартлоари яратиш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш юзасидан тўпланган илғор тажрибаларнинг кенг оммалаштириш мақсадида туркум ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Оилада соғлом фарзандлар дунёга келиши ва вояга етишини таъминлаш, оналик ва болаликни тиббий-ижтимоий муҳофазалаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, аёлларнинг ўз қобилият ва имкониятини рўйбга чиқаришга кўмаклашиш, бандликни таъминлаш, оилада тиббий маданиятни юксалтиришга оид вазибаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда қўллаб-қувватлаш ҳаётга татбиқ этилди. Жумладан, 2014 йилги ёз мавсумида 1099 болалар оромгоҳи фаолияти йўлга қўйилиб, 296 мингга яқин

бола ушбу дам олиш масканларида соғломлаштирилди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда имзоланган жамоа шартномалари ва келишувлар орқали иш берувчилар ва касаба уюшмалари ижтимоий шериклигида 4384 ёш оилага уй-жой қуриш ва узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун 77 миллиард сўмдан ортиқ фойсиз ссуда ажратилишига кўмаклашилди. Ёш болали аёлларнинг меҳнат ҳуқуқларидан фойдаланиш имкониятларини тўлиқ таъминлаш, хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни қўллаб-қувватлаш, оммавий спортни ривожлантириш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлардан, яратилаётган шароитлардан ҳар бир инсоннинг баҳрамандлигини ошириш, корхона ва ташкилотларда меҳнат қўнунчилигига тўлиқ риёя этилишини таъминлаш ва ходимларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини муҳофазалаш борасидаги ишларни тақомиллаштириш доимий эътиборда. Бу борада Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, Қоракалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари тизимида бепул ҳуқуқий ёрдам кўрсатадиган маслаҳатхоналар ва «Ишонч телефони» хизмати ташкил этилгани ўз самараларини бераёттир. 2014 йилда мазкур хизматга уч ярим мингдан зиёд оғзаки ва ишонч телефонлари орқали икки мингдан кўпроқ муурожаат келиб тушган. Уларнинг барчасига ўз вақтида ҳуқуқий кўмак кўрсатилди.

Умуман, "Соғлом бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлашга касаба уюшмалари томонидан 54 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ йўналтирилди. Бу борадаги чора-тадбирлар инсон манфаатларини муҳофазалашга йўналтирилган ислохотлар кўламини янада кенгайтириш, меҳнаткашларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини таъминлаш, меҳнат шартлоларини тақомиллаштиришга хизмат қилаёттир.

Б.ХИДИРОВА,
ЎзА мухбири



ЎзА олган суратлар.

Ибрat

Устозликдан шараф топди

Ўқитувчилик шарафли, айни дамда масъулиятли касбдир. Бола тарбиясида эътиборли халқимиз унинг келажаги ҳақида доимо қайғуриб яшайди. Фарзанднинг элу юртга нафи тегишини, қомил инсон бўлиб вояга етишини орзу қилади.

Шу боис, унга таълим бераётган устози қаттиққўл, талабчан, шу билан бирга ахлоқодобу беназир бўлишини, унинг бу фазилатлари фарзандига ҳам ўтишини истайди. Таълим тизимида масъулиятли лавозимларда фаолият юритган, касбининг ҳақиқий фидойиси, жонқур ва меҳрибон устозлардан бири Исмоил Сайдалиев бўлади.

Касби тумани Қоратепа қишлоғида туғилган Исмоил болалигиданоқ математика фанига меҳр кўяди. У устози Тула Отабоевни ҳол-жонига қўймасди. Бўш вақт топибди, дегунча уни фанга доир саволлар билан кўмиб ташларди. Устози ҳам уни математиканинг барча сир-асрорларидан воқиф қилди, ўқитувчилик касбига ҳавас уйғотди. Урта мактабни тамомлагач, унда математика фани асосларини мукаммал даражада эгаллаш иштиёқи туғилди. Хатто, бир муддат мактаб маъмуриятининг розилиги билан 5-6-синф ўқувчиларига математикадан дарс бериб

юрди. Ҳарбий хизматдан қайтгач, яна жонажон мактаби томон ошқиди. Бу орада институтда ўқиб, математика фани ўқитувчиси мутахассислигига эга бўлди.

И.Сайдалиевнинг таълим-тарбия соҳасидаги ташкилотчилиги, ташаббускорлиги, меҳнатсеварлигини ҳисобга олган Халқ таълими вазирлиги уни "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирлади. Раҳбарлик қобилиятига эга устоз Қарши чўлини ўзлаштириш бошқармасига қарашли 2-ўқув комбинатида директор, салдан кейин халқ таълими бўлими мактаблари истиёридаги ўқув ишлаб чиқариш комбинатида раҳбар этиб тайинланди.

1987 йили таълим-тарбияда оқсоқликка йўл қўйган, ўзлаштириш ва давоматда паст кўрсаткичга тушиб қолган 13-мактабга раҳбарлик И.Сайдалиевга топширилади. У мактабдаги камчилик ва нуқсонларни ўрганиб чиқди. Ҳар бир муаллим билан алоҳида-алоҳида суҳбат ўтказиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитди. Таълим-тарбияда талабчанликни ошириб, ўқитувчилар ўртасида меҳнат интизомини назоратга олди. Ўқитувчиларнинг дарс машғулотларини таҳлил этиб, уларнинг билим ва кўникмаларини, тажриба ва қобилиятини бирма-бир синовдан ўтказди. Шу билан бирга ўқитувчиларнинг истак-хоҳишларига яраша иш тутди. Қобилиятли, етук ва билим-

дон муаллимларнинг дарс ишланмаларини туман мактаблари ўртасида оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратди. Уларни ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириб борди. Вақтида кўрилган чора-тадбирлар ўз самарасини кўрсатиб, мактабда ўнгланиш кўзга ташланди.

И.Сайдалиев таълим-тарбия соҳасида кўп йиллар ҳалол ва фидокорона меҳнат қилиб, элда эъзоз топди. Юзлаб шогирдларга устозлик қилди.

— Дарҳақиқат, туман халқ таълимининг йилдан-йилга яхши кўрсаткичларга эришишида Исмоил Сайдалиевнинг ҳиссаси катта, - дейди 27-умумий ўрта таълим мактаби директори Раҳмонқул Шоймардонов. — Мен ҳам у кишидан муаллимлик сирларини ўрганганман. Устозлик қилиб, математика фанига қизиқиш уйғотган. Бундан ташқари, устознинг раҳбарлик фаолиятидаги тажрибаларидан ўрганганларим зое кетмади. Айни пайтда устозимнинг ўғитлари ишимда асқотмоқда.

Исмоил Сайдалиев муаллимликдан ташқари жамоатчилик ишларида ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. У бир қанча муддат "Қоратепа" маҳалла фуқаролар йиғинида раис, ундан сўнг туман "Нуроний" жамғармасининг ижрочи директори бўлиб ишлади. Унинг кўп йиллик таълим-тарбия соҳасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган.

Жўра ҲУСАНОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
ижодий уюшмаси аъзоси,
фахрий журналист

Лотерея

“Фаровонлик”

2014 йилнинг 26-27 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида “Агробанк” томонидан шу номдаги пул-буюм лотереяси ўйналди

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Лотереяларни ташкил этиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Агробанк” акциядорлик тижорат банки томонидан биринчи мартаба ўтказилаётган лотерея 22,5 миллиард сўмлик ютуқ фондига эга.

Мазкур фаолиятни банк Молия вазирлиги томонидан берилган лицензияга биноан амалга оширди. Қолаверса, лотерея аҳолининг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш, маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш ҳамда кўшимча иш ўрнини ташкил этиш мақсадида жорий этилди.

Таъкидлаш жоизки, лотереяга қўйилган барча қимматбаҳо буюмлар Ўзбекистонда

ишлаб чиқарилган. Улар орасида жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаган энгил автомашиналар, қишлоқ хўжалиги техникалари, уй-рўзғор буюмлари, пул мукофотларидан иборат жами 1.118.000 донга ютуқ мавжуд.

2014 йил 26-27 декабрь кунги ўйинда 20 минг юридик ва 25 минг жисмоний шахс ўз омадини синаб кўрди. Ютуқли рақамлар Хлебущина номидаги 22-сонли Меҳрибонлик уйи тар-

бияланувчилари томонидан аниқланди. “Фаровонлик” пул-буюм лотереясида ўйналган ўнтадан “Малибу”, “Каптив”, “Кобальт” автомобили, “ТТЗ” трактори, 625 дондан музлатгич, кир ювиш машинаси, кондиционер, газ плитаси, 1725 донга телевизор ҳамда 25 миллион сўм миқдоридagi пул ютуқлари омадли юртдошларимиз учун чин маънода Янги йил совғаси бўлди.

Мутахассислар томонидан лотерея ўйини белгиланган қонун-қоидалар асосида ҳаққоний ва ҳолисона ўтгани, бунинг учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилгани таъкидланди.

Ўз мухбиримиз

Нашр

Ёруғ келажагимизнинг ҳуқуқий асоси


“Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари” журналининг навбатдаги сони Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланди

Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини энг олий қадрият деб билган Ўзбекистон қонун устуворлигини таъминлайдиган жамият барпо этиш йўлидан дадил бормоқда. Бундан роппа-роса 22 йил муқаддам қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ана шу юксак мақсадларга эришиш, Ватанимизда янги жамият, янги ҳаёт қуришининг мустақкам ҳуқуқий асосларини яратди.

Асосий Қомусимиз халқимизнинг фуқаролик фаоллиги, сиёсий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш каби мақсадларга ҳам бирдек хизмат қилмоқда. Журналнинг навбатдаги сониде берилган туркум мақолаларда айнан шу масалалар қамраб олинган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Элмира Боситхонова “Хотин-қизларнинг ҳаётдаги ўрни ва ижтимоий-сиёсий нуфузини ошириш йўлида” мақоласида қиз болаларнинг таълим-тарбияси, ҳаётда ўз ўрнини топиши йўлида амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр юритади.

“Кўппартиявийлик тизимида электротат манфаатлари уйғунлигини таъминлашнинг баъзи масалалари” мақоласи муаллифи Сирожжон Бердиқулов эса сиёсий партияларнинг жамиятда тутган ўрни, мақсад-вазифалари, электротат ва унинг манфаатлари билан боғлиқ айрим масалаларни қаламга олган.

Журналнинг хорижий мамлакатлар тажрибаси руқни остида Европа геосиёсат академияси бош директори Жан-Антуан Дюпранинг “Францияда давлат тизимининг принциплари ва мураккаблиги” мақоласи ўрин олган. Унда Франция конституцияси, давлат тизими ҳамда парламент сайлов-



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланди

ларига доир қонун-қоидалар борасида атрофлича сўз юритилади. Сўнгги йилларда халқаро миқёсда глобал, минтақавий ва миллий ҳавфсизлик масаласига бағишланган кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилди. Шунга қарамай ҳали бу борада айрим ечимини кутаётган муаммолар борлиги ҳам сир эмас.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети мустақил тадқиқотчиси, сиёсий фанлар номзоди Турдимурот Турсунмуротовнинг “Замонавий технологиялар ривожланиши шароитида миллий ва минтақавий ҳавфсизликни таъминлаш масалалари” мақоласида инсониятга ҳавф солаётган турли таҳдидларга оид тадқиқотлар таҳлил қилинади. “Глобаллашув: демократик тараққиёт ва тафаккурдаги ўзгаришлар”, “Интернетда ижтимоий тармоқлар тизимининг ривожланиши омиллари” каби мақолалар эса юқоридаги мавзунга янада тўлдирган.

Бундан ташқари, журналда юртимиз ва хорижда ўтказилган илмий анжуман ва тақдиротларга ҳам кенг ўрин берилган. “ЕХТнинг инсонийлик мезонлари буйича йиллик анжумани”, “Сайлов қонунчилиги ҳамда амалиёти: Ўзбекистон ва Польша тажрибаси”, “Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг долзарб масалалари: Ўзбекистон ва Германия тажрибаси”, “Инсон манфаатлари ва ислохотлар” каби мақолаларда ана шундай тадбирлар ҳақида маълумотлар берилган.

Ўз мухбиримиз

САРИОСИЁ ТУМАНИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ МЕТОДИК ТАЪМИНЛАШ ВА ТАШКИЛ ЭТИШ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

Барчани

Янги 2015 йил

билан табриқлайди.

Янги йил ҳар бир оилага зий, илм-маърифат, эзгулик олиб кирсин!

АНДИЖОН ШАҲРИДАГИ “SABR KO LTD” МЧЖ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни кириб келган

Янги 2015 йил

билан қизгин муборакбод этади.

Янги йил барчага бахт, омад ва қувонч олиб келсин.

БАЙРАМ МУБОРАК!

ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ АЯЗ НАВОИЙ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Янги йил




билан бутун Ўзбекистон аҳолисини қизгин муборакбод этади. 2015 йил сизга янги-янги қувончлар, саодатли лаҳзалар ҳадея этсин. Хонадонингиздан қут-барақа, дастурхонингиздан тўкинлик аримасин. Қалбингиз меҳр-мурувват, садоқат, илму урфон нурлари ила нурафшон бўлсин.

Янги йилнингиз билан!

Бизнинг шарх

Янги технологиялар — янги марралар

Бугун симсиз алоқанинг кўринмас толалари бутун дунёни қамраб олди, нанотехнологиянинг кичик зарралари эса катта ютуқларни ваъда қилмоқда



Симсиз технологиялар, коинот тадқиқотлари, процессор ва компьютер чиплари, рақамли қурилмалар, йўлдошли телевидение ва радио, ДНК таҳлили, видеоўйинлар, сканерли микроскоп.... Бу инсоният турмуш тарзини бутунлай ўзгартириб юборган сўнги йиллардаги энг йирик ва муҳим кашфиётлар ҳисобланади. Бу сайёрамизда барча соҳаларда мисли кўрилмаган ўзгаришларни амалга оширган ихтиролардир.

нага айланди. Натижада ишлар бир неча бараварга камайиб, масофа ва вақтлар қисқарди. Қарангки, гилдиракнинг оёғини ердан узиш учун инсониятга атиги 30 йил керак бўлди. XIX аср охирида тиниб-тинчимас одамзот самони ҳам забт этди — самолёт яратилди. Балки, техника ихтиролари чарҳини аслида авраанинг гилдираги тезлаштириб юборгандир? Айни шу гилдирак келгусидаги мисли кўрилмаган катта-катта ихтироларга, тараққиётга тамал тошини қўйгандир?! Нима бўлганда ҳам одамлар оламшумул кашфиётлар яратилишини 4 аср қўтиб ўтиргани йўқ.

Мутахассисларнинг фикрича, симсиз технологияларнинг яратилиши инсоният ҳаётини ўзгартириб юборди. Зеро, янги мобил алоқа, симсиз технологиялар туфайли ахборот ва маълумотлар доимий ҳамроҳимизга айланди. Мудофаа технологияси, муқобил энергия билан ишловчи двигателлар, биотехнологиялар, компьютер, лазер, генлар устида олиб борилган тадқиқотлар, глобал молявий тизимлар, оптик тола, биометрика, электр ва сувўтказгич технологиялар, спам ва компьютер вирусига қарши курашувчи технологияларнинг яратилиши шулар жумласидан.

Ахборот технологиялари орасида энг илдам ривожланаётгани бу — уяли алоқа воситасидир. Бундан 20 йил аввал кўчада биров ўзи билан ўзи гаплашса, уни ақлдан озган, деб ўйлаш мумкин эди. Бугун ушбу манзара оддий ҳолга айланди — нари борса, "кўл телефони қулқинчи экан", деб кўя қоламиз. Маълумотларга қараганда, 2014 йилнинг июнь ойида сайёрамизда кўл телефонидан фойдаланувчилар сони 6,8 миллиардга (уларнинг аксари бир неча сим-карталарга эга) етган. Бу 2013 йилнинг шу даврига нисбатан 35 фоизга кўп. Дастлабки пайтлар гишдан кичикроқ "сотка"ни кўтариб юрадиган одам бошқалар наздида мартабали, бой киши эди. Оддий одамлар учун мобил телефони худди қимматбаҳо автомобилга эга бўлишдай гап бўлган: аппарат нархи 1000 долларгача, бир дақиқалик сўзлашув эса тарифларга кўра 1 доллардан

5 долларгача. Ҳозир эса сўзлашув нархлари йилдан-йилга пасайиб, аппаратлар тобора ихчам ва арзонлашиб кичик кутчада мингдан ортиқ операциялар жойлаштирилмоқда.

Янги ахборот технологиялари ёки компьютернинг пайдо бўлиши эса соҳадаги хизмат қилиш усулини тубдан ўзгартирди. Унинг ёрдамида банк фаолияти, иқтисодиёт, ҳаво кемалари бошқарилмоқда. Компьютер ёрдамида катта ҳажмли маълумотларни яратиш, тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш мумкин. Бироқ энди уйдаги компьютернинг ўзи етарли бўлмай қолди. Биз истаган жойда, масалан, аэропорт ёки университетда ундан фойдаланишни истаймиз. Шунга мувофиқ компьютернинг "мия"си — процессорлар ҳам жиҳатидан кичраймоқда. Атиги бармоқ учидек келадиган чипларга, масалан, бутун бошли "Париж кутубхонаси"ни сифдириш ҳеч гап эмас.

Дунёда ilk компьютер 1941 йилда Гарвард университети олими Говард Эйксон томонидан яратилган бўлиб, узунлиги 17, баландлиги 2,5 метр, оғирлиги қарийб 4,5 тонна ташкил этган. Бундай баҳайбат техника симларининг узунлиги 800 километр бўлиб, катта залга аранг жойлаштирилган. 2000 йиллар бошидаги компьютер 20x40x40 см. ҳажмда бўлган. Орадан атиги 5-6 йил ўтиб, унинг ташиқ ўлчамлари икки баравар қисқарди. Ҳозирги ТАР, планшетларнинг ҳажми ундан-да кичик — 250x170 мм, оғирлиги 500 грамм атрофида. У ҳам компьютер, телефон, фото, видео ва бошқа кўплаб функцияларга эга.

Бундай ихчамлашув "нанотехнология" дейилади. Бу ҳозирги пайтда энг замонавий технология саналиб, бундан мақсад ҳамма бирсани митлаштиришидир. Масалан, келгусида барча операцияларни амалга оширадиган компьютерлар кўл сотати ҳажмида бўлади. Натижада барча соҳаларда қўлланилаётган асбоб-ускуналарга кетаётган материаллар тежаб қолинади, нанотехнологиялар асосида яратилган буюмлар ихчамлашиб, уларнинг самарадорлиги ошади. Шу жиҳатдан айни пайтда

дунёда нанотехнология жадал ривожланмоқда. Бу йўналишда яратилган илмий ихтиролар иқтисодиёт, тиббиёт, биология, экология, авиация, радиоэлектроника каби кўплаб муҳим соҳаларда юқори самарадорлик ва тежамкорликка эришиш имконини бермоқда. Физика, кимё, тиббиёт ва биология соҳаси олимлари "нано" сўзини "миллиарднинг бир бўлаги" деб аташади. Масалан, бир нанометр 1 метрнинг миллиарддан бир улушига тенг. Агар одам соч толасининг йўғонлиги бир нанометрдан тахминан 100 минг марта катталиги инобатга олинса, соч толалари бир неча миллиардга бўлинади.

Нанотехнологияларнинг тиббиётга жорий қилиниши ҳам кашфиётлар учун замин бўлмоқда. Жаҳондаги етакчи илм-фан марказларида дорини айнан касалланган жойга тўғридан-тўғри етказиш мақсадида нанокапсулалардан фойдаланилмоқда. Бунинг афзаллиги шундаки, нанокапсула тананинг соғлом қисмига зарар етказмай, фақат касалланган ҳужайрага етиб бориб, таъсир кўрсатади. Шунингдек, бу технология аграр хўжалиқда маҳсулотларни сақлаш ва қайта ишлаш, қишлоқ хўжалиги техникаларини такомиллаштиришда ҳам кенг қўлланилмоқда.

Электроника — дунёдаги энг тезкор тармоқ ва кўплаб мамлакатлар учун стратегик соҳага айланган. Биргина маиший техника ва оптика, рангли телевизор, видеотехника, кондиционерлар ҳар бир хонадон учун зарур восита саналади. Тадқиқотларга кўра, электроника саноати рентабеллиги 40 фоиз бўлиб, соҳага ажратилган сармояларнинг дунё бўйича ўртача қайтиш муддати қисқа — атиги 2-3 йил. Унинг ўсиш суръатлари ялли ички маҳсулотнинг ўсиш суръатларидан бир неча баравар юқори. Электроникадаги 1 нафар ишчи ўрни бошқа соҳаларда 4 нафарни ташкил этади. Бир сўз билан айтганда, нанотехнологиялар инсон фаолиятининг деярли барча соҳалари — тижорат, турмуш, ишда энг зарур ва муҳим воситага, электрон техника воситалари кенг қўламли асбоб ва қурилмаларнинг ажралмас қисмига айланди.

Инсониятнинг асрлар давомида тўплаган билим ва тажрибаси, тафаккур, тараққиётга интилиши натижаси ўлароқ бугун яратилаётган кашфиётлар асримиз кишилари учун мисли кўрилмаган имкониятлар эшигини очмоқда, одамлар турмушини энгиллаштириб, ҳаётни гўзаллаштирмоқда. Ихтиролар аслида ана шу олий мақсадга хизмат қилади. Шундай экан, улардан шунчаки бўш вақтни ўтказиш ёки эрмак учун эмас, балки турмушимизни яхшилаш, симмамиздаги ва зифаларни самарали адо этиш, янги марралар сари интилиш йўлида фойдаланмоғимиз лозим.

Беҳбуд БОТИРОВ,
"Milliy tiklanish" шарҳловчиси

Рангин дунё

Сайёрамиздаги энг баланд Ҳимолай тоғ тизмаси Тибет ва Ҳинд-Ганг текислигининг ўртасида жойлашган. Ҳиндистон, Непал, Хитой, Покистон, Бутан каби мамлакатлар худудида ястаниб ётган тоғ ўзига ҳос табиий иқлимга эга. Тоғ тизмасининг узунлиги 2900 километр, кенглиги 350 километрни ташкил қилади. Чўққиларининг баландлиги денгиз сатҳидан ўртача 6000 метр, энг баланд нуқтаси ҳисобланмиш Жомолунгма чўққиси эса 8848 метрдан ошади.


Дунёда мавжуд 14 чўққининг 11 таси айнан Ҳимолайда жойлашган боис, мутахассислар уни "замин гултожи" деб ҳам аташади. "Ҳималай" сўзи санскрит тилидан таржима қилинганда "қорлар мамлақати" деган маънони билдиради. Бу ном тоққа Ҳинд дарёси водийсида яшовчи маҳаллий аҳоли томонидан берилган. Аслида Ҳимолай бошқа тоғларга қараганда анча ёш ҳисобланади. Иқлими бирмунча соvuқ бўлишига қарамай, тоғ тизмаларининг орасида вужудга келган водийларда баланд яйловлар ҳам учрайди. Бу ердаги ям-яшил ўтлоқлар қорли чўққилар уйғунлигида ажиб бир манзара ҳосил қилади. Ҳимолай тоғлари Тибетни Ҳинд текислигидан ажратиб

туради. Тоғларнинг жанубий ёнбағирлари мавсумий шамоллар — муссонлар таъсирига учраши боис бу ерларда 4000 миллиметргача ёғин ёғиши кузатилади. Аммо, Ҳимолайнинг шимолий ёнбағирлари соvuқ, қуруқ континентал иқлимга эга. Баланд тоғларда ҳарорат ёзда кечаси -25°C, қишда эса -40°C гача тушиб кетади. Тоғнинг юқори қисмида шамол тезлиги соатига 150 километрдан ошиб, тез-тез кучли бўронлар бўлиб туради.

Улкан тоғнинг қор қоплами бирмунча қалин бўлиб, қатор музликлардан таркиб топган. Музликларнинг умумий майдони 33 минг квадрат километр, қор қалинлиги эса 6,6 минг куб километрдан иборат. Музликлар бирмунча йирик тоғ мас-

Замин гултожи

дея нисбат берилган Ҳимолай тоғ тизмасида Ер юзид мавжуд 14 чўққининг 11 таси жойлашган



сивларида, баланд чўққилар атрофида жойлашган. Улардан энг узунлари — Ганготри ва Зема (узунлиги 26 километр). Қолаверса, тоғ музликларидан Жанубий Осиёдаги энг йирик Ҳинд, Ганг ва Брахмапутра дарё-

ларининг ўзани бошланади. Яқинда бир гуруҳ америкалик олимлар тоғ тизмасининг энг баланд нуқтаси Жомолунгма ёхуд Эверест чўққиси икки метрга ўсганини маълум қилишди. Бирок, худудида

чўққи жойлашган давлат — Непал ҳукумати ушбу кўрсаткични расман тан олмади. Аслида Жомолунгмининг энг баланд чўққи эканлигини 1852 йилда ҳинд математиги ва топограф Радханат Сидар аниқлаган

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Эбола ва иқтисодиёт

2015 йилда Фарбий Африкада Эбола вирусига қарши курашиш учун 3-4 миллиард АҚШ доллари керак бўлади.

Бу ҳақда Жаҳон банки экспертлари маълум қилган. Кузатувчиларнинг фикрича, Африка давлатларида бундай маблағни халқаро ёрдамсиз топиш кийин, негаки эпидемия улар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатди. Экспертлар Эбола вируси энг кўп тарқалган Сьерра-Леоне мамлақатининг ялли ички маҳсулоти ҳажми келгуси йили 2 фоизга қисқаради, деб тахмин қилмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг сўнги маълумотларига кўра, Эбола вирусининг қурбонлари сони қарийб 7.7 мингга етган, яна 20 мингга яқин одам ушбу вирусни юқтирган.



Сув балоси

Малайзияда сув тошқини юз берди.

Маълумотларга кўра, табиий офатдан Келантан штати энг кўп зарар кўрди. Хабарларга қараганда, худудлардан жами 160 мингдан ортиқ киши эвакуация қилинган. Маҳаллий кишилар бир ярим ҳафтадан буён давом этаётган сув тошқини мамлакат тарихидаги энг оғир табиий офат бўлганини айтишмоқда. Ҳукумат зарар кўрганларга озиқ-овқат ва доридармон учун қўшимча маблағ ажратилишини эълон қилган.



42 дақиқа ўтиб...

AirAsia йўловчи ташиш самолёти йўқолган худудда қидирув ишлари давом этмоқда.


Хабарларга кўра, айни пайтда ўнлаб йўловчиларнинг жасадлари топишган. Самолёт 2014 йил 28 декабрь куни Малайзиянинг Сурабая шаҳри аэропортидан кўтарилганидан 42 дақиқа ўтиб Ява оролида радардан ғойиб бўлган. Лайнер 162 нафар йўловчи билан Сингапурга парвоз қилган.



Шамол халақит бермоқда

Италия йўловчи кемасида ёнгин содир бўлди.

Италияга қарашли "Норман Атлантик" йўловчи кемасида рўй берган ёнгин оқибатида қарийб 10 киши ҳалок бўлган. Греция қирғоқларида сузаётган кема бортидаги 391 нафар йўловчи кўтарилган, қарийб 90 нафар йўловчи хануз бортида қолмоқда. Улар вертолётлар ёрдамида эвакуация қилинмоқда. Хабарларга қараганда, кўтарув ишларида кучли шамол халақит бермоқда. Грециянинг Патра портидан Италиянинг Анкона портига қараб сузаётган кеманинг автомобиллар жойлашган палубасида ёнгин чиққан. Кемада йўловчилардан ташқари 200 та автомобиль ҳам бўлган.



Интернет хабарлари асосида Эъзога НАЖИМОВА тайёрлади.

эди. Сидар ўшанда 240 километр узоқликдан туриб, тригонометрик усул ёрдамида буни ҳисоблаб чиққан. Мазкур чўққини илк бор непаллик Тэнц Норгэй ва янги зеландиялик альпинист Эдмунд Хиллари забт этган. Ҳозиргача Эверест чўққисига кўтарилиш 900 дан зиёд альпинистга насиб қилди. Жомолунгма дунёдаги энг баланд чўққи бўлгани боис, рекордчиларни оҳанрабодек ўзига ром этиб келади. 1992 йили француз альпинисти Пьер Тардвель чўққининг энг баланд нуқтасига кўтарилиб, чанги ёрдамида пастга тушган. Альпинист уч километрлик марсофани уч соатда босиб ўтган. Яна бир француз альпинисти Кирилл Десремо эса 1998 йили биринчилардан бўлиб чўққини қорда юрвчи мотоциклда ай-

ланиб чиқишга муваффақ бўлган. Ҳимолай тоғи, унинг дунёга машҳур чўққисига кўтарилиш осон иш эмас, албатта. У ерга махсус тайёргарликка эга бўлмай туриб чиқиш амримаҳол. Шунинг учунми, Ҳимолайни забт этиш ҳаммага ҳам насиб этмайди. Мазкур тоғ тизмаси қор ва музликларнинг қалинлиги бўйича Антарктика ва Арктикадан кейинги ўринда туради. Тоғ ёнбағирларида ўсувчи шифобахш гиёҳлар эса ноёб ҳисобланади. Дарҳақиқат, Ҳимолай тоғ тизмаси ҳақиқий маънода замин гултожи, дейилса арзийсофани уч соатда босиб ўтган. Яна бир француз альпинисти Кирилл Десремо эса 1998 йили биринчилардан бўлиб чўққини қорда юрвчи мотоциклда ай-

Зафар МУҲАММАД

НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ "ШАРҚ ҚУРИЛИШ СЕРВИС" МЧЖ ЖАМОАСИ

Янги 2015 йил

билан барча юртдошларимизни самимий қутлайди.

**Кексаларни эъзозлаш йилида барча
отахону онажонларга
сиҳат-саломатлик, бардамлик ва
яхши кайфият тилайди.**

Янги йилда янги ютуқлар, омад, бахту саодат
доимий ҳамроҳингиз бўлсин. Юрт ишига дахлдорлик, ўзаро
меҳр-оқибат туйғуси сиз азияларни асло тарк этмасин.

Бардавом аънаналар

"Умрбоқий созлар"

деб номланган кўргазмада миллий
созларимиз намойиш этилди

Истиқлол шарофати билан юртимизда мил-
лий хунармандчилик ривож, уста-хунарманд-
ларнинг эркин ижод қилишлари, жумладан,
миллий мусиқа асбобларини ясовчи созгар-
лар учун барча зарур шарт-шароитлар яра-
тиб берилди. Ўзбекистон Республикаси Пре-
зидентининг 2008 йил 8 июлдаги "2009-2014
йилларда болалар мусиқа ва санъат мактаб-
лари фаолиятини яхшилаш ва моддий-техника
базасини мустаҳкамлаш Давлат дастури
тўғрисида"ги қарори бу борада дастурилла-
мал бўлиб хизмат қилаётди.

Айни пайтда миллий мусиқа асбобларини
ясовчи 65 нафар созгар "Хунарманд" уюш-
масининг аъзоси ҳисобланади. 2014 йилнинг 9
ойи мобайнида улар томонидан қарийб 330
миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.
Уста-хунармандлар вилоят ва республика ми-
қёсида ўтказиб келинаётган барча тадбир-
ларда фаол иштирок этишмоқда.

Ўзбекистон маданияти ва санъати кўргаз-
малар залида ташкил этилган "Умрбоқий соз-
лар" кўргазмаси санъат илҳосмандларига
миллий созгарларимиз меҳнатини баҳолаш,
уларнинг ижод намуналари билан яқиндан
танишиш имконини берди.

Республика "Хунарманд" уюшмаси ташаб-
буси билан ташкил этилган кўргазма Ўзбеки-
стонда хизмат кўрсатган санъат арбоби,
созгар уста Усмон Зупаров таваллудининг 120
йиллигига бағишланди. Унинг очилиш маро-
симда катта авлод вакиллари ёшларга мил-
лий хунармандчилигимиз ривожига беқийс
ҳисса қўшган созгар уста Усмон Зупаров ҳаёти
ва ижод йўли ҳақида гапирди.

Усмон Зупаров Тошкент шаҳрида (1894-
1981 й.) созгар, ўймакор уста сифатида фао-
лият юритган. Уста асосан ўзбек миллий чол-
ғу асбобларини ясаш, уларни янада такомил-
лаштириш ва янги созлар ихтиро қилиш билан
шугулланди. Миллий созлардан ташқари,
скрипка, қозоқ ва қирғиз дўмбираси ва қобу-
зи, туркман дутори, қашқар ва афғон рубоб-
лари, испан банжоси, араб уди, уйғур сафо-
илларини ҳам ясаган.

Созгар ижоди ҳақида кўплаб китоб ва
мақолалар ёзилган. "Ўзбектеелефильм" сту-
дияси томонидан уста ижодига бағишлан-
ган "Ёғоч куйини тинглаб" номили хужжатли
фильм суратга олинган. Уста ясаган созлар
айни пайтда Лондон, Москва, Ўзбекистон
давлат санъат музейи ҳамда Ўзбекистон
давлат консерваториясининг миллий чол-
ғулар музейларида сақланмоқда. Устанинг
ишини ҳозирда шогирдлари ва ўғиллари
давом эттирмоқда.

Кўргазмада Қорақалпоғистон Республика-
си, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда
фаолият юритаётган моҳир созгарлар ўзла-
ри ясаган миллий соз намуналари билан иш-
тирок этди.

Тадбир якунида кўргазма иштирокчилари
ҳамда уюшманинг фахрий аъзоларига махсус
диплом ва эсдалик совғалари топширилди.
Дилдора АКРАМОВА

Qishloq Qurilish Bank

**Ҳамюртларимизни, банк акциядорлари ва мижозларини
қириб келган Янги 2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили
билан самимий муборакбод этамиз!**

**Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги
эзгу ишларингизда ҳамisha омад ёр бўлсин!**

**Фурсатдан фойдаланиб, қуйидаги муддатли омонат
турларини таклиф этамиз:**

"ҚОМУС"	— омонатга маблағлар 3 ойга қабул қилинади;
"БАРАКАЛИ МАВСУМ"	— омонатга маблағлар 2 — 6 ойга қабул қилинади;
"ФАЙЗЛИ"	— омонатга маблағлар 4 — 6 ойга қабул қилинади;
"ЯХШИ НИЯТ"	— омонатга маблағлар 12 — 24 ойга қабул қилинади.

**Ушбу омонатларга қабул қилинган маблағлар учун ҳисобланган
фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.**

"ТАЛАБА"	— омонатга маблағлар 14 ойга қабул қилинади ва ҳисобланган фоизлар ҳар 3 ойда тўлаб борилади.
----------	--

**Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни
олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:**

"МАДАД"	— маблағлар 12 ойдан кам бўлмаган муддатга қабул қилинади;
"ХОНАДОН"	— маблағлар 1 йилдан ортиқ муддатга қабул қилинади;
"ҚУРИЛИШГА БОШЛАНГИЧ БАДАЛ"	— муддати — 1 йил.

**Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини
кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади**

Сизнинг омонатингиз:

- солиқ ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

**Мурожаат учун телефонлар:
(+99871) 150-76-53, 150-39-93
www.qqb.uz**

**"Қишлоқ қурилиш банк" —
фаровон ҳаётингиз хизматида!**

Хизматлар лицензияланган

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Қишнинг тансиқ меваси

Мандарин ўзининг муаттар иси, ширин ва нордон таъми билан ҳеч кимни беъэтибор қолдирмас керак. Ушбу мева таркибида инсон организми учун зарур бўлган В1, В2, В3, В5, В6, В9, Р, РР, К, Е витаминлари, бета-каротин, эфир мойи ва кальций, магний, темир, фосфор, калий каби моддалар учрайди.

Бошқа цитрус мевалар каби мандарин ҳам С витаминига бой. Инсон организми ушбу витаминни мустақил синтез қила олади. С витамини иммунитетни таъсирга кўрсатиб, вирусли инфекцияларга қарши курашишга ёрдам беради. Кучли антиоксидант ҳисобланувчи С витамини организмда коллаген товларини шакллантириш учун ҳам жуда зарур. Лютеин — мандаринда мавжуд бўлган яна бир муҳим элемент. У кўриш қобилиятини зарарли нурлар таъсиридан ҳимоя қилади. Шунингдек, мандарин таркибида камёб элемент — холин моддаси мавжуд бўлиб, юрак ва қон-томир касалликларига йўлиқиб хавфини камайтиради. Холин В гуруҳи витаминлари таркибида учрайди. Шу боис, мандарин таркибидаги холин моддаси ҳомила шаклланишида муҳим ўрин тутаяди. У секин-аста шаклланиётган бола-нинг мия ҳужайралари ривожланишига кўмаклашади. Мандариннинг меъёрида истеъмол қилган зарар қилмайди. Айниқса, аллергия реакцияларга мойиллиги бўлган инсонлар уни эҳтиёткорлик билан истеъмол қилгани маъқул. Мандарин катта миқдорда кислотани ўзида сақлайди. Шу боис, ошқозон шиллик қаватига зарар етказиши мумкин. Кислоталик даражаси юқори бўлган инсонлар, шунингдек, гастрит, ошқозон ва ичак-яра касалликларига чалинганларга ҳам бу мева тавсия этилмайди.



БИЛАСИЗМИ?

Хона ҳарорати, дейилганда Цельсий шкаласи бўйича 20-25 даража иссиқлик назарда тутилди.

Каучук (резина) тасмалари музлатилганда узокроқ хизмат кўрсатади.

ТУРФА ОЛАМ

Аэропорт бағридаги яшиллик

Сингапурдаги "Чанги" аэропорти терминали яқин йиллар ичида тамоман ўзгача қиёфа касб этиши кўтиломқда.

Аслида "аэропорт" ва "боғ" сўзларини бир-бирига боғлаш анча мушкул. Бироқ, лойиҳа муаллифлари терминал худудида гўзал боғ яратиш иштиёқиди. Режага кўра, боғ ойнавананд деворлар билан ўралади. Бинонинг ўрта қисми-дан эса баландлиги 40 метрга тенг лазерли шаршара ўрин олиши мўлжалланган. Янги боғ 2018 йилда қуриб битказилиши режалаштирилган. Ойнавананд бино 10 қаватдан иборат бўлиб, уларнинг бештаси ер остида ва яна шунчаси ер устида бўлади. У ерда меҳмонхона ва болалар учун кўнгилочар масканларнинг жой олиши кўзда тутилган. Боққа минглаб турдаги дарахтлар, қирққулқ ва буталар экилади. Янги иншоот эски тўхташ жойининг ўрнида қад кўтараяди ва фаолият кўрсатаётган терминалларга уланади. Маълумотларга қараганда, "Чанги" 2013 йилда 53,7 миллион йўловчига хизмат кўрсатган. 2018 йилга келиб эса бу кўрсаткич 85 миллионга етиши ҳам мумкин.



Хушмуомалалик ҳамёнга фойда

Австралиянинг Янги жанубий Уэльс штатидаги Жер-роа шаҳарчасида жойлашган "Seven Mile Beach Kiosk" қаҳвахонаси хўрандаларга хуштам қаҳва таклиф этишдан ташқари уларни хушмуомалаликка ҳам ўргатмоқда.

Кундалик ҳаётда хушмуомалалик ва ҳурмат кўрсатиш қанчалик муҳим роль ўйнашини исботлаш мақсадида қаҳвахона эгалари қаҳва учун турли хил нарх белгилаган. Бир сўз билан айтганда, қаҳва нархи мижознинг муомаласига боғлиқ. Хўрандаларни ноқулай аҳволга қўймаслик учун қаҳвахонадаги нархнома батафсил баён этилган. Масалан, шунчаки "қаҳва" дейиш 5, "марҳамат қилиб, қаҳва берсангиз" иборасини қўллаш 4,5 доллар туради. "Хайрли тонг, илтимос, менга қаҳва беринг" деган инсонга эса қаҳва 4 долларга тушиши мумкин. Ўзига хос янги қоида кафеда икки ойдан бери амалда қўлланилмоқда. Қаҳвахона соҳиблари Кев Чилвер ва унинг рафиқаси Кайли Пикеттнинг айтишича, улар одамларга одоб-ахлоқнинг нақадар муҳим ва зарурлигини эслатиб қўйиш ниятида, холос.
З.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади



Газетанинг навбатдаги сони 14 январь, chorshanba куни чиқади.

Газета ҳафтанинг chorshanba куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 125, Адади — 12547. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Зафар МУҲАММАД
Навбатчи: Умида УЗОҚОВА
Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Электрон почта: e-mail: mtiklanish@mail.ru
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 19.30.
ISSN 2010-7714

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Нозим ҲАБИБУЛЛАЕВ, Сувон НАҲБИДДИНОВ, Мухаммадхон ҚУРОНОВ, Фаҳруржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Жалолиддин САҲОЕВ, Ахтам ТУРСУНОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Исмаил ХУДОЕВ, Эркин ДОРИПОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Арслон ЭШМУРДОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОЕВ
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темура кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 6 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Қорхона манзили: «Буюк Тўрон» кўчаси, 41-уй

Реклама

ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ ЖАМОАСИ

ЯНГИ 2015 ЙИЛ

билан барча юртдошларимизни қутлайди.

Яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларингизда

улкан муваффақият,

хонадонларингизга қут-барака тилайди.

**ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК
БЎЛСИН, АЗИЗ ДЎСТЛАР!**

“ТОШКЕНТ ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Юртдошларимизни

2015 ЙИЛ - КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

билан самимий табриклайди.



*Қалбингиздаги барча эзгу орзу-умидлар
рўёбга чиқсин. Юртимиз обод, ҳаётимиз
фаровон бўлсин.*

ЯНГИ ЙИЛ МУБОРАК!



ХАЛҚ БАНКИ

Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси

*юртдошларимизни,
ва банкимиз миқозларини
Янги йил билан самимий
муборакбод этади.*

2015 йил



**Янги йил юртимизга тинчлик-осойишталик, хонадонларимизга
файзу барака, кўнгилларимизга эзгулик ва шукроналик
тўйгуларини бахш этсин.**

Азиз ватандошлар!

Сизларни, жумладан, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг олдинги сафларида бораётган тадбиркору ишбилармон, деҳқону фермерларни кириб келаётган –

ЯҚИТИ ЙИЛ

билан қизғин ва самимий муборакбод этамиз.

Янги йил ҳар биримизнинг хонадонимизга қут-барака, тўғри-сочилик олиб келсин, юртимиз тинч, Ватанимиз янада раванқ топаверсин!

© Анжуман

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида “Давлат божхона қўмитаси томонидан интернет тармоғи орқали кўрсатилаётган интерактив хизматлар” мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда қўмита мутасаддилари, соҳа мутахассислари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Президентимизнинг 2014 йил 15 апрелдаги “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаш-

Божхонада интерактив хизматлар

улардан самарали фойдаланилмоқда

тириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори лицензиялаш ва рухсат этиш характериغا эга ҳужжатларни бериш механизмларини янада соддалаштириш ва арзонлаштириш, тадбиркорликка янада кўпроқ эркинлик беришга хизмат қилмоқда.

Анжуманда таъкидланганидек, тадбиркорлик фаолиятининг лицензияланадиган турларини ва рухсат этиш характериға эга тартиботларни расмийлаштиришнинг йиғимлари миқдори анча қисқартирилди. Жумладан, божхона омбори, эркин омбор ва бож олинмайдиган савдо дўкони фаолияти билан шуғулла-

нишга оид лицензия ҳужжатларини кўриб чиқиш учун йиғим бекор қилинди. Натижада лицензия олиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар сони яна биттага қисқарди.

— Сўнги йилларда божхона соҳасининг турли йўналишлари бўйича ахборотларни реал вақт асосида йиғиш, назорат ва таҳлил қилиш, қайта ишлашга мўлжалланган 24 та ахборот дастурлари жорий қилиниб, уларнинг барчаси Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига бирлаштирилди. 14 таси давлат ахборот тизими сифатида рўйхатдан ўтказилди, - дейди қўмитанинг Ах-

борот коммуникацион технологияларни татбиқ этиш бошқармаси бошлиғи Абдусобир Саидов. — 2014 йилда Давлат божхона қўмитаси расмий веб-сайти орқали ташқиқтисодий фаолият иштирокчилари учун 17 та интерактив хизмат турлари амалиётга жорий этилди. Шулардан 6 таси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига интеграция қилинди.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари вакиллари мавзу юзасидан берилган барча саволларга батафсил жавоб олди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

“НАМАНГАН ТЕМИР БЕТОН БУЮМЛАРИ ЗАВОДИ” МЧЖ МЕҲНАТ ЖАМОАСИ



Реклама



“O'zERAЕ Climate Control”

Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси

Ватандошларимизни ва юртимиз меҳмонларини

Янги йил

билан самимий қутлайди.

Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!

2015

БАЙРАМ МУБОРАК!

● Реклама ўрнида

Президентимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва уларнинг фаолият юретиши учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борада амалга оширилаётган барча ишлар иқтисодий тизимнинг барқарор ривожланиши, мамлакатимиз тарққиёти ва аҳоли фаровонлиги учун хизмат қилаётди. Сир эмас, эришляётган муваффақиятлар давлат статистика маълумотлари орқали намойён бўлади. Давлат статистикасининг мақсади иқтисодий-иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил этиш, статистика

ахборотини такомиллаштириш, иқтисодий таҳлилларни янада чуқурлаштириш ҳамда жаҳон андозаларига мос халқаро стандартлар асосида фаолият олиб боришдан иборат. Ўтган давр мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик равнақи учун қулай шарт-шароит яратишга йўналтирилган ҳуқуқий механизмлар муштахкамланди, қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 7 ап-

Тадбиркорликка кенг йўл

статистика тизими: қулай ва тезкор

релдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони давлат статистика органлари тизими фаолиятига илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, замонавий дастурий-техникавий воситалар, коммуникация технологияларини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда статистика маълумотларини тўплаш тизимини

янада такомиллаштиришда дастурий амал бўлмоқда. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тартибини такомиллаштириш ва кичик бизнес субъектларининг статистика ҳисоботларини тақдим қилишида қўшимча қулайликлар яратди.

Сирдарё вилоят статистика бошқармаси томонидан мазкур фармон ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига етказиш

бўйича мунтазам равишда профилактика ишлари олиб борилди. Кичик бизнес, тадбиркорлик ҳамда вилоятнинг ҳўжалиқ юритувчи субъектлари учун статистика бошқармаси ҳамда туман (шаҳар) статистика бўлимларида кўргазмача кулайликлар ташкил этилди.

Фармонда вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, акциядорлик компаниялари, уюшмалар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифа ва мажбуриятлари ҳам белги-

лаб қўйилган. Унга кўра, ҳар бир ташкилотнинг расмий веб-сайтида тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни акс эттирувчи ахборотлар мунтазам равишда жойлаштирилиши ва янгилиниб турилиши лозим. Айни пайтда вилоят статистика бошқармасининг www.sirstat.uz веб-сайти йўлга қўйилган бўлиб, унга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар учун зарур барча маълумотлар киритилган.

Фармонга мувофиқ, 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари статистика ҳисоботларини йилда бир марта тақдим этади. Шунингдек, статистика органлари ҳар чорақда фаолиятнинг

тегишли йўналиш ва соҳалари бўйича танланма асосда ўрганишлар ўтказиб бориши белгилаб қўйилди. Қўлаверса, давлат статистика тизими фаолиятининг самарадорлиги, статистика маълумотларининг тезкорлиги ва сифатини янада ошириш орқали тадбиркорлик субъектларига бир қатор имтиёз ва қулайликлар яратиб берилмоқда. Бундай иш-корлар тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Улугбек ЭЛМУРОДОВ,
Сирдарё вилоят статистика бошқармаси бошлиғи



“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АЖ жамоаси

Шу муқаддас ва саховатли заминда яшаётган
барча юртдошларимизни

Янги 2015 йил

билан муборакбод этади.

Осмонимиз ҳамisha мусаффо бўлсин, орзу-ниятларимиз
рўёбга чиқсин. Сизларга соғлиқ-омонлик,
ониларингизга тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

2015



“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АЖ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Юртимиз иқтисодий
салоҳиятини
юксалтириш йўлида
фидокорона
меҳнат қилаётган
барча
юртдошларимизни

Янги йил

билан қизгин
табриклайди.



AGROBANK



Aziz yurtdoshlarimizni kirib kelayotgan
yangi 2015 yil bilan muborakbod etgan
holda quyidagi xizmat turlarini
taklif etamiz

“INTERNET-BANKING” - to'lovlaringizni
masofadan turib amalga oshiring

“SMS-BANKING” - hisob raqamingizdagi
mablag'lar harakati to'g'risida doim xabardor
bo'ling

Agrobankda “CLICK” hisob raqamini oching va
barcha to'lovlarni mobil aloqa yordamida amalga
oshiring

Yuridik shaxslar uchun mo'ljallangan
depozit sertifikatlarini orqali pul mablag'laringizni
ko'paytiring

Xalq farovonligi faoliyatimiz mezon



“MAGNUM MEDIKAL SERVIS” МЧЖ ЖАМОАСИ

Кўпмиллатли мустақил юртимиз фуқароларини

Янги 2015 йил

билан самимий муборакбод этади.

Янги йил барчага қувонч, шодлик,
хонадонларингизга файз-барака
олиб келсин!

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

